

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — OʻZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

28 (134)-сон, 2006 йил 13 июль

www.21asr.com

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Кун тартибида: электорат билан ишлаш, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш билан боглик масалалар мухокамаси





Уруглик етиштириш учун хўжаликнинг ер-тупрок шароити қулай, техникаси етарли, фермернинг тажрибаси юкори бўлиши керак



ХАЛҚАРО ҚАЁТ

Расмий маълумотларга қараганда, Ирокда уруш бошланганидан бери 120 мингдан ортик тинч фукаро халок бўлди



«УзДЭУавто» — 10 ёшда

Мустакиллик муъжизаси

1996 йил 10 июль мустакил Узбекистон тарихига зархал харфлар билан битилган саналардан биридир. Айнан шу куни Юртбошимиз ташаббуси билан саноатимиз гигантларидан бири — "УзДЭУавто" қушма корхонаси ишга туширилган, мустакилликнинг 5 йиллигига санокли кунлар қолганда Асака шахридаги ушбу корхонада биринчи ўзбек автомобилининг илк намунаси дунё юзини кўрган, фахр-ифтихор

туйгусидан халкимизнинг боши осмонга етган эди.

ўз мухбиримиз

Бугун нафакат Ўзбекистон, балки якин ва узок хориж мамлакатларида хам ўз муносиб ўрнини топган "Тико", "Дамас", "Нексия", "Матиз" ва нихоят, "Ласетти" русумидаги минглаб автомобиллар кўчаларимизни тулдириб юрганига купам эътибор беравермаймиз. Уша кезларда-чи...


Уша кезларда бу нафакат ишлаб чиқариш жараёнига, балки бевосита мамлакат такдири ва сиёсатига жиддий таъсир кўрсатувчи катта вокеага айланган эди. Бироз ортга қайтиб, мулоҳаза юритадиган бўлсак, манзара янада яққол намоён бўлади.

Худди кечагидай ёдимда. Парламентнинг навбатдаги сессияси давом этаётган кунлар. Президентимиз корейс хамкорлар билан учрашиб, узаро хамкорликда замонавий


автомобиль заводи барпо этиш хакидаги келишувга эришган эди. Депутатлар бу хушхабарни гулдурос қарсаклар билан қарши олгандилар. Айникса, халкимизнинг ўша дакикалардаги кувонч ва

хаяжонини тасвирлаш қийин. Автомобилсозлик катта сарф-харажатни талаб қиладиган соха, албатта. Собик Асака прицеплар заводида орадан хеч қанча вақт ўтмай, ўзига хос дизайнга эга, қулай, чиройли ва энг мухими, арзон автомашиналар ишлаб чикарилишини тасаввурга сигдириш мушкул эди. Аммо инсон иродаси хамма нарсага қодир экан. Завод конвейеридан биринчи "Тико", биринчи "Дамас", биринчи "Нексия" чиққанида, кўксимиз ғурур ва ифтихорга лиммо-лим тўлгани рост.

Орадан кўп ўтмай, Асака машиналари қўлма-қўл бўлиб кетди...



фатида хар биримиз учун азиз ва қадрлидир. "УзДЭУавто" ўтган қисқа давр ичида том маънода юртимиз фахрига айланди. Агар 10 йил аввал уч русумда 25344 та автомашина ишлаб чикарилган бўлса, 2005 йилда бу рақам 110 мингтага кўпайди,







1991 йил август ойининг 31 куни Узбекистон давлати, халқи, ўзбек миллати учун энг муқаддас тарихий санага айланди. Шу куни давлат ва миллат такдирида мангуликка дахлдор, аждодларимиз асрлар бўйи орзу этган буюк вокеа содир бўлди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикасининг миллий мустақиллигини эълон қилди. Минг-минглаб замондошларимиз сингари мен хам зангори экран орқали бу оламшумул тарихий воқеага, мангуликка мухрланган лахзаларга гувох бўлганман. Мамлакат рахбарининг буюк жасорати ва матонатидан вужудим фахру гурурга тўлганди.

Ватаним ифтихорим

Шавкиддин ЖАМОЛОВ, "Шамс-Навоий" фирмаси рахбари, O'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши раисининг ўринбосари

Мустақиллик биз учун чексиз имкониятлар яратиш билан бирга зиммамизга катта масъулият хам юклагандики, буни кимдир ўша дамдаёк, кимдир эса муайян вакт ўтиб, англай бошлади. Мустабидлик йилларида кўплаб юртдошларимиз кон-конига, суяк-суягигача сингдирилган боқимандалик, мутелик дардидан халос бўлишимиз, ўзлигимизни танишимиз зарур эди. Лекин "Эр бошига иш тушса этик ечмай сув кечар" деганларидек, Узбекистон халқи, Ватаннинг чинакам фарзандлари, айникса, билимдон, тадбиркор ва ишбилармон ёшлар мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакат тараққиётига муносиб хисса қушишни узларининг шарафли бурчи, деб билишди. Узбекистон улкан бунёдкорлик майдонига айланди. Менинг ўзим хам 1992 йилнинг кўкламида хусусий фирма очиб, уни падари бузрукворим ва кадрдон шахрим номи билан атадим. Фаолиятини ахолига бир турдаги хизмат кўрсатишдан бошлаган корхонамиз бугунги кунда нафакат Навоий шахрида, балки бутун вилоятда кўзга кўринган кўп тармокли, замонавий корхоналардан бирига айланди. Фирмамизнинг бўлинмалари хатто вилоятимиздан ташқарида хам фаолият кўрсатмокда.

Мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган қулай имкониятлар, шарт-шароитлар туфайли хорижий шериклар билан хамкорликни йўлга қўйиш туфайли корхонамизда ишлаб чиқариш суръат ва самарадорлиги тобора ошиб бораяпти. Кўплаб янги иш ўринлари яратилмокда.

Тарихан жуда қисқа давр — 15 йил мобайнида мамлакатимизда Президентимизнинг доно рахбарлиги остида асрларга татигулик улуғвор ўзгаришлар рўй берди. Бундан қувонмай, фахрланмай бўладими?!

Улуг, азиз ва мукаддас байрам арафасида ана шулар хакида фикрлар эканман, Истиклолнинг дастлабки лахзаларида қалбимда учкунлаган Ватан такдирига дахлдорлик туйгуси йилдан-йилга кучлирок ёлкинланиб, янги уфклар томон рухлантираётганлигини хис этмокдаман.

Омад сенга, ўзбек ўглони!

Шу йилнинг 29 июль куни хамюртимиз Фарид Усмонов профессионал армрестлингчилар орасида жахон чемпионлигини қулга киритиш учун навбатдаги жангини ўтказади.

Шухрат ХЎЖАЕВ



Халқаро профессионал армрестлинг уюшмаси (ІРАА) томонидан Санкт-Петербургда ўтказиладиган беллашувлар бешта ўнг қўлларда) бўйича ўтказил-

са-да, мутахассисларнинг таъкидлашларича, мусобақанинг "аср жанги" дея аталаётган марказий учрашуви энг огир вазнда курашувчи ўзбекистонлик Фарид Усмонов хамда россиялик спортчи Артём Клименко ўртасида бўлиб ўтади.

Регламентга кура, беш раунддан иборат жангларда ғалаба қозонган курашчилар камар бўйича чемпионлик унвонларини қўлга киритиш билан бирга, ІРАА таъсис этган 200 минг АҚШ доллари микдоридаги мукофотни бўлиб оладилар.

Айтиб ўтиш жоиз: ўтган йили хаваскор армрестлингчилар ўртасида ўтказилган жахон кубоги бахсларида олтин медалга сазовор бўлган Осиёнинг мутлак чемпиони Ф.Усмонов профессионал фаолияти давомида факат бир марта, у хам бўлса, хакамларнинг шубҳали хулосаларидан сўнг америкалик Тревис Бэджидга маглуб бўлганди. Энди эса, сайёранинг энг кучли чап қўлли армрестлингчиси номига сазовор булиш ниятидан қайтмаган Фарид уз мақсадига эришиш учун шу ойнинг охирида Артём Клименкони маглуб этиши зарур. Челябинсклик "гаройиб бола" осонликча таслим бўладиганлардан эмас. Гарчи у эндигина йигирма ёшга тўлган бўлса-да, ўзига хос жисмоний кўрсаткичларга эгалиги боис, 16 ёшлигидаёқ "катталар" қаторига қушилишга муваффак бўлган. Ушанда Артём ўрта вазнда харакат қиларди. Кўп ўтмай, у оғир вазнли акаларини ҳам хеч қандай қийинчиликсиз енга бошлади. Жумладан, ўтган ойда ўтказилган дастлабки рейтинг жангида Клименко 1999 йилги мутлак жахон чемпиони Руслан Кокоевни 5:0 хисобида догда қолдириб, хамюртимизга рубару келадиган булди.

Навбатдаги ёвузлик




Хиндистондаги энг йирик шахарлардан бири - Бомбейда содир этилган террористик портлашлар 200 га якин инсоннинг ўлимига, 600 дан ортик кишининг турли тан жарохатлари олишига сабаб бўлди. Кўпорувчилик харакатлари икки йил мукаддам Мадрид-

да руй берган фожиаларни эсга солади, деб хабар беради махаллий телеканаллар. Ушанда шахар атрофида катновчи электр поездлари террорчиларнинг хужум объектига айланган эди. Махаллий кузатувчилар фикрича, портлашлар ортида Кашмир мустакиллиги учун курашаётган ва «ал-Қоида» билан мустахкам алоқада бўлган

гурухлар турибди. Утган куни кечкурун Махараштр штатининг пойтахтида бирданига еттита портлаш амалга оширилган. Одам кўп тўпланадиган темир йўл станцияси ва поездлар нишонга олинганини инобатга олсак, хунрезлик обдон режалаштирилганини тушуниш кийин эмас. Биринчи портлаш Бомбейдан шахар остонасидаги Кхер станциясига йўл олган электр поездида кузатилди. Яна иккита портловчи курилма платформаларда харакатга келтирилди. Қолган хунрезликлар шахарнинг марказий кисми ва унинг атрофида харакатланадиган поездларда амалга оширилган.

Узок ва якин хорижда

Дипломатлар ҳайдалди



Киргизистон хукумати икки нафар америкалик дипломатни нохукумат ташкилотлар рахбарлари билан номакбул муносабатда булганликда айблаб, мамлакатдан хайдаб чикарди, деб хабар беради РИА-Новости. Американинг Бишкекдаги элчихонаси Интернет сахифасида таркатилган баёноти оркали

Кушма Штатлар расмий вакилларини номуносиб фаолиятда айблаш хакикатга мос келмаслигини маълум килган. Расмий вакилларнинг фикрича, ушбу айбловлар Киргизистон билан АКШ ўртасидаги муносабатларга путур етказишдан манфаатдор бўлган томонларнинг хохиш-истагига мос келади.

Америкалик дипломатларнинг хатти-харакатлари хакида очик айтилмаган бўлса-да, АҚШ элчихонаси баёнотида ушбу чоралар баъзи махаллий нодавлат ташкилотларни қуллаб-қувватлашдан сўнг амалга оширилгани эътироф килинади, Киргизистондаги мухолифат вакиллари ва нохукумат ташкилотлар билан мулокотлар давом эттираверилиши таъкидланади. Айрим хабарларга кўра, элчихона ходимлари билан боглик можаро харбий хаво базаси ижараси борасидаги киргизамерика музокараларини чиппакка чикариши хам мумкин.

Узбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 11 июлдан бошлаб валюта операциялари буйича бухгалтерия хисоби, статистик ва бошка хисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошка мажбурий тўловлар учун хорижий валюталар-

нинг сумга нисбатан куйидаги кийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари 1 Англия фунт стерлинги 1 Дания кронаси 1 БАА дирхами 1 АҚШ доллари

920,63 2266,88 210,29 333,68

1 Миср фунти 1 Исландия кронаси 1 Канада доллари 1 Хитой юани 1225,54 1 Малайзия ринггити

213,32 16,24 1099,73 153,52 337,15

1 Польша злотийси 1 СДР 1 Туркия лираси 1 Швейцария франки

1 EBPO

384,41 1816,70 788,64 1001,50

1567,83

10 Жанубий Корея вони 10 Япония иенаси

1 Россия рубли

1 Украина гривнаси

13,01 107,81 45,60 242,68

Тадбиркорлик ва фермерлик ривожи

мавжуд тўсикларни бартараф этиш

хамда мулкдорлар манфаатларини

қонуний ҳимоялаш Тадбиркорлар ва

ишбилармонлар ҳаракати - Узбекистон

учун кенг йўл очиш, бу борадаги

Либерал-демократик партияси

ИЖТИМОИЙ ХАЁТ

БАХТЛИ кунларни кутиш баъзан ўша кунларнинг ўзидан хам яхширок бўлади

Ризки бутун эл

Бугун қайси гушага борманг, қай бир хонадонда бўлманг, гап айланиб келиб ғаллага, азиз неъмат нонга бориб тақалади. Дастурхонга, энг аввало, тандирдан узилган бўрсилдок нон кўйилишида ҳам катта хикмат бор. У ўтган йилги ғалладан. Янги хосил хирмонларда сараланаяпти, далаларда эса ўрим хамон давом этмокда. Фермеру ижарачининг кўнгли тўқ. Зеро, бу йил хосил мўл бўлди.

Дониёр КАМОЛ, Солих ЗОИР

Оққўргонлик фермер Илхом Турсунбоевни хужаликаъзоларига дон тарқатаётган пайтда учратдик. Шу куни тракторчи, сувчиларга бир ярим, чопикчиларга бир тоннадан дон таксимлаб берилди. 16 гектар майдонга ғалла эккан фермернинг кайфияти ба-

Бу хали хаммаси эмас. **Галладан бушаган майдонлар** такрорий экин экиш учун тайёрланмокда. Она-замин саховатини қарангки, ундан йилига икки-уч маротабагача хосил олиш мумкин. Бу хам бўлса, ўзбек дехконининг бахти ва

толеидир. Мустакиллик шарофати билан пахта яккахокимлигидан қутулиб, дон мустақиллигига эришдик. Сохада илгор технологияларни кенг жорий этиш, галла уругчилигини ривожлантириш, мехнатни окилона ташкил килиш оркали тобора юкори натижаларга эришилмокда. Дастлабки йилларда ўртача хосилдорлик 15 центнер атрофида бўлганини яхши эслаймиз. 1996 йилги

мавсумда 1 млн. 200 гектар майдонга бошокли дон экинлари экилиб, гектар бошига 22,6 центнердан дон етиштирилди. Бу республика тарихида энг юкори кўрсаткич эди.

Қояга чиққан чўққини кўзлайди. Тажриба, омилкорлик ўз самарасини бермокда. Сўнгги саккиз йил ичида сугориладиган ерларда галла хосилдорлиги икки баравар зиёдрок бўлди. Айни кунга келиб, хар гектар хисобига 43-45 центнерни ташкил этмокда. Кўплаб фермер хўжаликлари эришаётган натижалар бундан ҳам юқоридир.

Яна бир мухим жихат: мулкка эгалик ва моддий манфаатдорлик туйгуси дехконга илхомбахш куч ато этаётгани бор гап. Эндиликда ғалла асосан фермер хўжаликлари томонидан етиштирилмоқда. Улар ўзлари яратган бойликка ўзлари эгалик қилишаяпти, омборлари донга тўлаяпти, хонадонларига файз-барака кираяпти.

 Очигини айтиш керак, дон мустақиллигини таъминлашда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг хизмати бекиёсдир, - дейди "Охангарон-

донмахсулотлари" очик акциядорлик жамияти раиси С. Лутфуллаев. — Буни мамнуният билан таъкидлаётганлигим бежиз эмас. Давлатимиз рахбарининг қатьияти, ташаббускорлиги туфайли биз ғалла қарамлигидан халос бўлдик. Уз донинг, ўз нонинг бўлганига нима етсин!

Дархакикат, шундай. Кушни Чиноз тумани галлакорлари хам вилоятда биринчилардан бўлиб белгиланган режани зиёдаси билан уддалаган эдилар. "Гулзоробод", "Дўстлик", "Эшонобод", С. Рахимов номли ширкатлар, "Уринбой хожи", "Яшил водий", "Соф томчи", "Зарафшон" фермер хўжаликларида ҳар ҳачонгидан катта хирмон уйилди.

Каторда норинг булса, юкинг ерда қолмайди, дейдилар. Жумладан, "Иброхим ота" фермер хўжалиги рахбари Ислом Иброхимовнинг бу йилги хосилдан кўнгли тўк. 27,5 гектар ернинг хар гектаридан 55 центнердан сара дон етиш-

— Бир умр қишлоқ хўжалиги сохасида мехнат қилдим, дейди Иброхим ота. — Лекин хозиргидек хур, эркин замонни курмаганман. Омборимиз бўшамай туриб, яна ғаллага тўлди. Бу, шубҳасиз, мустақиллик шарофати, истиклол саодатидандир.

"Галласи бор уйнинг алласи бўлади", дейишади. Дастурхонимиздан қут-барака аримасин, тандир тўлиб нонлар ёпилаверсин!

"Яратганга минг бор шукрки, ўз донимизга, ўз беминнат нонимизга эга бўлган шу кунларга хам етиб келдик".

Ислом КАРИМОВ.





фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Kapop ижроси билан кучли

Уз мухбиримиз

Шу максадда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кумитаси хузурида "Тадбиркорлик ва фермерлик харакатини куллабқувватлаш маркази" ташкил этилган бўлиб, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, қабул қилинаётган фармонлар, қарорлар ва амалдаги қонунчилик доирасида яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш, тегишли қонунлар ва меъёрий хужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, хусусий ва кичик бизнес вакилларига ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини тушунтириш ва муаммолар ечимини топиш каби масалалар унинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Шу йил 12 июль куни Хоразмда бўлиб ўтган O'zLiDeP вилоят кенгашининг кенгайтирилган қушма йиғилишида ҳам партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қумитаси ва унинг хузуридаги "Тадбиркорлик ва фермерлик харакатини қуллабкувватлаш маркази" жамоатчилик кенгашининг жорий йил 4 июлдаги кенгайтирилган қушма йиғилиши қарори ижросини таъминлаш борасидаги вазифаларни амалга ошириш хусусида сўз борди. Унда, шунингдек, партия электорати билан ишлаш, унинг манфаатларини химоя қилиш, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш борасида самарали ва таъсирчан таргибот-ташвикот ишларини олиб бориш, мавжуд муаммоларни аниклаш ва уларни хал қилиш механизмларини ишлаб чиқиш, жойларда партия рахбарияти ва депутатлик корпуси аъзоларининг тадбиркорлар ва фермерлар билан мунтазам учрашувлари ва эркин мулоқотларини ташкил этиш каби қатор масалалар мухокама қилинди.

Тадбирда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қумитаси раиси М.М.Тешабоев, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С. Қобилов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари, худудий партия кенгашлари ва депутатлик гурухлари рахбарлари, хусусий сектор вакиллари, банк, солик идоралари ва махаллий бошкарув органлари масъул ходимлари иштирок этиш-

Таъкидландики, халқ депутатлари Урганч туман кенгаши томонидан депутатлик гурухларининг махалла идораларида қабул кунлари ташкил қилинганлиги, тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерлар ва сайловчилар билан мунтазам алоқа ўрнатилиб, улар фаолиятига тўсиқ бўлаётган холатларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатиб келинаётганлиги алохида эътироф этилди.

Айни пайтда халқ депутатлари шахар ва туман депутатлик гурухлари фаоллигини янада ошириш зарурлиги таъкидланди. Депутатлик гурухларига партия дастурий максад ва вазифаларидан келиб чикиб, жойлардаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги муаммоларни мунтазам ўрганиб бориш ва уларнинг ечимини топиш, республика, вилоят микёсида хал этилиши лозим бўлган масалалар юзасидан аниқ тахлилларга асосланган таклифларни O'zLiDeP вилоят кенгашига такдим этиш вазифаси топши-

Шунингдек, "Тадбиркорлик ва фермерлик харакатини қуллаб-қувватлаш маркази" томонидан жойларда қатор амалий тадбирлар, давра сухбатлари, семинар ва учрашувлар ўтказилаётганлиги, уларда кўплаб тадбиркорлар, фермерлар ва кичик бизнес вакиллари иштирок этиб, ижтимоийсиёсий, иктисодий-хукукий билимларини ошираётганликларига алохида ургу берилди.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кумитаси раиси М.М.Тешабоев хамда бир гурух партия фаоллари Урганч шахридаги "Феруз-Хоразм" хиссадорлик жамияти фаолияти ва мехнат шароити билан якиндан танишиб, бошланғич партия ташкилоти аъзолари билан бевосита мулокотда бўлдилар.

Тадбиркорлик ва фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар тўгрисидаги махсус партиявий тадбирлар жорий йилнинг 25 июлига қадар Сирдарё, Самарканд ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилиши хакида келишиб олинди.

Кун тартибида оила химояси

Бухоро вилоятида бевосита махалла фукаролар йигинлари билан ҳамкорликда иш юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар талайгина. Улар фаолияти билан танишар экансиз, ахолининг турли табақалари, хусусан аёллар ва ёшларни ижтимоий мухофаза этиш борасида ижобий натижаларга эришилаётганлигига амин бўласиз. "Мадад" оилани ижтимоий химоялаш маркази (рахбари З.Кенжаева) ташкил этилганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ.

Асхор ИСТАМОВ, "XXI asr" мухбири

Айни кунда бу ерда тикувчилик цехи, репродуктив саломатлик ва тренажёрлик бўлимлари иш олиб бормокда. 2005 йил декабрь ойида ННТлар лойихаларини молиялаштириш буйича эълон қилинган танловда "Мадад"чилар томонидан ишлаб чикилган лойиха голиб, деб топилди. Бу эса кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий мухофазасини кучайтиришда мухим ахамият касб этаётир. Лойиха асосида камхарж, эхтиёжманд хонадонларнинг 20 нафар ўсмир қизларига пазандалик сирлари ўргатилади, уларда компьютерда ишлаш малакаси шакллантирилади.

Фақат шугина эмас. Вилоятда фаолият олиб бораётган бир қатор ННТлар, жумладан, "Ойдин нури" хотин-қизлар ва "Истиқболли авлод" ёшлар скрининг-маърифат марказлари, "Авиденна" болалар ҳакимлари уюшмаси, республика "Хунарманд" уюшмасининг вилоят бўлими, вилоят адвокатлар хайъати хузуридаги "Хукукий химоя маркази", республика "Тадбиркор аёл" уюшмасининг вилоят бўлими, вилоят "Тадбиркорлар" ассоциацияси хам давр талабларидан келиб чикиб, ўз фаолиятини такомиллаштирмокда.

Фукаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят бўлими, "Ойдин нури" скрининг маркази хамда "Бухоро консальт" масъулияти чекланган жамияти томонидан Бухородаги "Сиёвуш" хусусий мехмонхонасида ташкил этилган навбатдаги мухим тадбирлардан бири "Жамоат ташкилотларининг ижтимоий лойихалари ярмаркаси", деб номланди. Унда бизнес тузилмалари ва сиёсий партияларнинг вакиллари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди-

Ишчанлик рухида ўтган тадбир давомида кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш коньюнктурасига оид ахборотларни уларга ўз вақтида етказиш билан боглиқ масалалар атрофида сўз юритилди.

Жамиятимизда аёлнинг ўз ўрни ва мавкеи бор. Бирок айрим оилавий келишмовчиликлар натижасида боши берк кучага кириб қолган хотин-қизлар ҳам учраб туради. "Ойдин нури" скрининг маркази уларга ўз вактида эътибор кўрсатиб, моддий ва маънавий жихатдан қуллаб-қувватламоқда. Яқиндан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Бухоро шахрида якка-ёлгиз оналар ва уларнинг болаларига вактинчалик панох вазифасини ўтайдиган бир бино ажратиладиган бўлди.

Тадбирда сўзга чиққан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши услубшуноси Феруза Алимова, O'zLiDeP вилоят кенгаши бўлим мудири Сувон Жўраев, "Бухоро консальт" МЧЖ раиси З. Солиева ва бошкалар ахолининг ижтимоий химоясини кучайтириш, мавжуд ижтимоий муаммоларни жойида ҳал этиш, бизнес тузилмалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан ўз фикр-мулохазаларини баён қилдилар.

Истеъдод хар бир инсонга Аллох томонидан берилган инъомдир. Одамзод дунёга келар экан, бутун умр янгиликка, яратишга интилиб яшайди. Мустақиллик йилларида ногиронларга ғамхурлик курсатиш, уларнинг меҳнат ва ижод қилишлари, даволанишлари учун шарт-шароит яратишга алохида эътибор қаратилмоқда. Мана, ўн бир йилдирки, юртимизда ногирон ижодкорлар ўртасида турли тадбирлар ташкил этиб келинаётганида ҳам катта рамзий маъно бор.

«Мафтункор ранглар дунеси»

Сайфулла ИКРОМОВ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати — Узбекистон Либерал-демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши билан турли жамғармалар ҳамкорлигида Қарши санъат коллежида ногирон болалар ўртасида тасвирий санъат йўналиши бўйича ўтказилган кўрик-танлов "Мафтункор ранглар дунёси", деб номланди. Унда вилоят шахар ва туманларида истикомат қилаётган 45 нафар ижодкор ёшлар иштирок этишди. Коллеж фойесида танлов иштирокчилари томонидан яратилган расмлар кўргазмаси ташкил қилинди.

 Такдир такозоси билан ногирон бўлиб қолган кишилар эътибор ва гамхурликка хамиша мухтож, дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши раиси Махмуд Сайдалиев. - Партиямиз ногирон ёшларнинг билим ва махорат эгаллашлари, мустақил ижод қилишлари учун хомийлик қилиб келмоқда. Жойларда улар учун тегишли шарт-шароит яратилаётир. Бу галги кўрик-танлов ўн биринчи бор ўтказилмоқда. Минг машаққат ила қалам тебратиб, рангин дунёни ўз тасаввурлари орқали инкишоф этаётган ногирон болаларнинг жасоратига, интилишига қойил қолмай иложингиз йўк. Зеро, яшаш учун курашни, матонатни улардан ўрганмок керак.

10-13, 13-17 ёшли бола-





лар ўртасида қаршилик Хикмат Хамроев, қамашилик Кувончбек Тошпулатов биринчи ўринни эгаллашди. Карши шахридан Шахбоз Баратов, дехконободлик Мехмона Исмоил кизи иккинчи ўринга лойик, деб топилди. Учинчи ўрин қаршилик Сарвиноз Баратова ва мубораклик Юлдуз Чориевага насиб этди.

Голиблар ва совриндорлар O'zLiDeP вилоят кенгашининг кимматбахо совгалари билан такдирланди. Улар Тошкентда бўлиб ўтадиган XXI халқаро бадиий кўргазманинг республика боскичида иштирок этиш хукукини кўлга киритдилар.

Янги лойиха такдимоти

Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги, жумладан, мева-сабзавотчилик сохасини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, тармоқдаги мавжуд навларни сақлаш, генлар асосида янги навлар яратиш соха мутахассислари олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Уз мухбиримиз

Марказий Осиёда агробиохилмахилликни саклашга багишланган уч кунлик анжуман ана шу мухим масалага багишланди. Унда қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари бўйича халқаро марказ-ИКАРДО ва Ўзбекистон Фанлар академияси Генетика институти билан хамкорликда ишлаб чикилган янги лойиха мухокама этилди. Беш йилга мулжалланган лойиха Марказий Осиё худудида мева ва сабзавотларнинг янги турларини яратиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, фермерлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар учун янги имкониятлар яратиш хамда бу борадаги айрим муаммоларни ҳал этишни кўзда тутади.

Лойиха такдимоти давомида бир катор хорижий ташкилотлар вакиллари иштирок этиб, ўз тажрибалари билан ўртоклашдилар.

Мустакиллик муъжизаси

Давоми. Бошланиши 1-сахифада.

Урни келганда, корхона тарихига қисқача назар ташлаш фойдадан холи эмас.

1993-1995 йиллар. Бу давр корхонани шакллантириш, илгор ишлаб чиқариш технологияларини олиб келиш ва ўзлаштириш боскичларини ўз ичига олади.

1996-1999 йиллар Марказий Осиёда илк бор замонавий автомобиллар ишлаб чикаришни йўлга қўйиш, бутловчи қисмларни махаллийлаштириш дастурини амалиётга татбик этиш жараёни билан боглик-

2000-2005 йиллар мустақил ривожланиш, замонавий моделларни ишлаб чикариш, янги лойихаларни амалиётга жорий этиш, юқори технологик базани шакллантириш боскичларига ўтилганлиги билан ажралиб туради.

Бу йилларда "Матиз", "Нексия", "Ласетти" хамда уларнинг мукаммаллаштирилган моделларини ишлаб чикариш йўлга қўйилди. Қўшма корхонада инновацион технологиялар кенг жорий этилаётганлиги туфайли юкори сифат ва

самарадорликка эришилмокда. Асака заводи 1999 йилда МДХ мамлакатларидаги турдош корхоналар ичида илк бор "ISO 9001:1996" халқаро стандарти сертификатига сазовор бўлгани ва 2002 йилда ушбу стандартнинг янги тахрири "ISO 9001:2000"га мувофик келганлиги корхона тараққиёт йўлидан дадил одимлаётганидан

далолатдир.

"ЎзДЭУавто" Марказий Осиё ва бутун Хамдўстлик Давлатлари худудида янги технологик линиялар, шунингдек, роботлаштирилган, автоматлаштирилган ускуна хамда дастгохлар бўйича ягонадир. Корхонадаги хар бир иш жойининг ўртача киймати 200 минг АКШ долларига якин, яъни жахондаги энг илгор автомобиль заводлари даражасида, деб бахоланади. Ишлаб чикарилаётган махсулотларга бўлган талаб хам йил сайин ортиб бормокда. Айни пайтда Россия, Украина, Белоруссия, Озарбойжон, Қозоғистон давлатларига куп микдорда "Нексия" ва "Матиз" етказиб берилаяпти. Арманистон, Грузия, Хитой Халқ Республикаси ва бошка мамлакатларда хам ўзбек автомобилларига қизи-


қиш катта. 2005 йилда 110 минг дона машина ишлаб чиқарилган бўлса, бу йилги режа 154 мингта этиб белгиланган.

"ЎзДЭУавто" айни кунда том маънодаги гигант, юкори кувватли корхонага айланди. Ишчи-хизматчилар сони 4000 дан зиёдрокни ташкил этади. Тармок корхоналарида хам минг-минглаб киши мехнат қилмоқда. Автомашиналарни сотиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва бошка масалалар билан шугулланадиган ходимларни ҳам қўшадиган бўлсак, биргина Асака заводи 100 минг нафарга якин кишига ризк-насиба улашаётганлиги аён бўла-

Бир сўз билан айтганда, 13 йил аввал асос солинган, саноатимиз фахрига айланган "УзДЭУавто" юксак иктисодий кўрсаткичларга эришиб, мамлакатимизни жахонга кўз-кўз қилмоқда. Бу билан ҳар қанча ғурурлансак арзийди, албатта.

Хулоса қилиб шуни алохида таъкидлаш лозимки, мазкур корхона мустақиллигимиз мўъжизаси сифатида Ўзбекистоннинг имконият ва иктидорини жахонга танитмокда.

Эксклюзив интервью



Жаноб Ханс Воахим Кидерлин билан сухбатимиз уч соатга якин давом этган бўлса, унинг хар бир фикр-мулохазаси Узбекистоннинг истиклол йилларида эришган ютуклари хакида бўлди, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Сухбатдошимизнинг 2006 йилнинг 6 майидан 5 июнига қадар ўзбек автомобилида Германияга бориб келганини эшитгач, очиги, хайратимизни яширолмадик.

— UZ ёзуви туширилган машинамизда тўрт нафар хамрохим билан сафарга чикаётганимни эшитиб, баъзилар ажабландилар хам. Аммо мен саёхатга самолётдан кўра автомобиль қулайроқ, деб хисоблайман. 2004 йилда сотиб олган шахсий "Нексия"м 15 минг километр масофани хеч қандай қийинчиликларсиз босиб ўтишига ишонгандим. Тўгри, сафар давомида, хусусан, Россия-Украина чегарачиларининг "бунақанги таваккалчиликка қўл урмаган бўлардик", деган гапларини хам эшитдим. Аммо ўзбек автомобили ўзининг узоқ йўлларга хам бемалол юра олишини, қулай ва тежамли эканини исботлади.

Фақат бир нарсада қийналдим. У ҳам бўлса, Жанубий Қозоғистон йўлларининг нихоятда ёмонлигидан 300 километргача бўлган масофани 20-30 км. тезликда юришимизга тўгри

Озарбойжон ва Грузиянинг тогли худудларида хам ана шундай қийинчиликларга учра-ди. Шунинг учун ҳам Германияга етиб боргач, тўртта балонни алмаштиришга тўгри келди.

Шу ўринда яна бир мухим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Тбилисидан ташқари биз босиб ўтган барча мамлакатларда ўзбек автомобилларини таъмирлаш марказлари бор экан. Бу ҳам бўлса, "ЎзДЭУавто" маҳсулотларига, айникса, МДХ мамлакатларида катта эътибор борлигидан далолат берарди...

 Сочида бир қизиқ воқеа руй берди, дейди сухбатдошимиз. — Биз тунаган мехмонхонада бундан ўн йил аввал Андижонда яшаб кетган рус аёли билан танишиб қолдик. Узбекистондан келаётганимизни билгач, у бизга ўзбекча ош тайёрлаб берди...

— Илгари хам автомобилда шундай узок сафарларга чикканмисиз?

— Ха, бир неча йиллар аввал ўз автомобилимда Дехлига бориб келгандим. Аммо бу галги сафарим таассуротларга бой бўлди. Россиялик давлат автомобиль назоратчилари 19 ёшимда олган хайдовчилик гувохномамдаги суратдаги киши мен эканлигимга ишонмадилар. Узоқ тортишувлардан кейингина гувохнома меники эканлигини исботлаб бердим.

"Нексия" тезюрар бўлганиданми, бир неча маротаба тезликни ошириб ҳам "қўл"га тушдик. Нима бўлганда хам илгари собик иттифок саналган улкан худудни ўзбек автомобилида айланиб чиққанимдан фахрланаман.

Агар, сафар мобайнида жуда куп мамлакатларда ўзбек автомобилларини кўрдим, десам кўпчилик ажабланиши мумкин. Аммо бу хакикат. Айникса, Польшада "Матиз"нинг ишкибозлари кўп экан. Лоф эмасу тўртта машинадан биттаси "Матиз" десам, ишонаверинг.

Узбекистонга қайтишда ҳам сафаримиз саргузашт ва қизиқ тафсилотларга бой бўлди. Энг асосийси эса, биз Қозоғистон чўлларидан ўтаётганимизда бог-роглар кўрина бошлагач, сездикки, Узбекистонга кириб келаяпмиз...




Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Узбекистон Либералдемократик партияси рахбарияти

мустақил мамлакатимизнинг гигант корхонаси — "ЎзДЭУавто"нинг кўп минг сонли жамоасини мамлакатимиз обрў-эътибори саналган корхонанинг 10 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади.

Узбекистонни дунёга танитаётган қўшма корхонанинг келгуси ишларига муваффақият, ютуқларининг янада мустахкамланишига омад тилайди.

Йўлингиз доимо ёруг бўлсин, азиз автобунёдкорлар!



Республика боскичига йўлланма

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг мамлакатимиз келажаги йўлидаги интилиши, изланиши, жамоат ишларидаги фаол иштирокини қуллабқувватлаш ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш максадида таъсис этилган "Ишбилармон ўкувчи" стипендияси кўриктанловининг вилоят боскичлари жойларда жуда қизғин давом этаяпти.

12 июль куни Термиз шахар Тадбиркорлар марказида ўтказилган мазкур кўрик-танлов ўзининг ижтимоий-сиёсий, оммавийлиги билан иштирокчиларда катта таассурот уйготди. Тадбир дастуридан йигилиш қатнашчиларининг ҳаётдаги ўрни, билим даражаси, интеллектуал салохияти, давлат ва хорижий тилларни қай даражада билиши, миллий истиклол гояси тушунчасини чукур англай олишларини билиш максадида тест топшириклари, ёзма ва огзаки савол-жавоблар ўрин олди. Шунингдек, хар бир иштирокчи "Юрт равнақига менинг хиссам" мавзуидаги чикишлари орқали ўзларидаги тадбиркорлик ва ишбилармонлик қобилиятларини намойиш этдилар. Тадбир нихоясида иштирокчиларнинг партия фаолиятидаги ўрни, етакчилик қобилиятларини аниклаш максадида сухбат уюштирилди ва голиблар қимматбахо совғалар билан тақдирландилар.

Фермерлар партия сафига қабул қилиндилар

Мулкдорлар манфаатини химоя килиш, кичик бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга шарт-шароитлар яратиб бериш O`zLiDeP дастуридаги асосий устувор вазифалардан бири хисобланади. Бугунги кунда бу йўналишда жойларда қатор учрашувлар, давра сухбатлари ташкил қилиниб, уларда тегишли бошқарув идоралари билан хамкорликда мавжуд муаммолар ечими изланмокда.

10 июль куни O'zLiDeP Пискент туман кенгаши ташаббуси билан "Фермерлар — юрт таянчи" мавзуида ташкил этилган партиявий тадбирда тумандаги фермерлар фаолияти тахлил килиниб, уларнинг ўрнак бўлишга арзигулик жихатлари алохида эътироф этилди. Шунингдек, тадбиркор ва фермерлар олдидаги тўсик ва говларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулохазалар билдирилди. Тадбирда 20 нафар фермер партия аъзолигига қабул қилинди. Шу куни фермерлар уюшмаси томонидан кам таъминланган хонадонлардан бирига қорамол ҳадя этилди.

Фаол аёл — оқила бека

O'zLiDeP Хонқа туман кенгаши томонидан "Аёл — она, мураббий, тадбиркор, рахбар ва сиёсатчи" мавзуида давра сухбати бўлиб

Унда аёллар факатгина оилада оналик вазифасини бажарибгина қолмай, турли ташкилот ва идораларда рахбарлик лавозимида ишлаётганлиги, тадбиркорлик қобилиятлари орқали елиб-югуриб мехнат қилаётганлиги, хатто сиёсий жараёнларда хам фаол иштирок этиб келаётганлиги эътироф этилиб, хотин-қизларнинг бу борадаги имкониятларини янада кенгайтириш юзасидан атрофлича мулохаза юритилди. Тадбирда "Мадонна" фирмаси рахбари, халқ депутатлари туман кенгашининг депутати С. Каримова иштирокчиларга ўзининг иш фаолиятидаги тажрибалари хусусида гапириб берди.

Амфитеатрда — ёшлар сайли

O'zLiDeP дастуридаги мухим йўналишлардан бири — ёшларни Ватанга мухаббат ва садокат рухида тарбиялаш, эл-юрт равнаки йўлида фидойи бўлишларини таъминлаш, уларни миллий қадриятлар негизида бирлаштиришдир. Бухорода ушбу йўналишда қатор ибратли тадбирлар ўтказилмоқда.

Утган ҳафтада Бухоро шахридаги амфитеатрда O`zLiDeP вилоят Кенгаши, вилоят хокимлиги хамда маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ёшлар учун катта концерт ташкил этилди. Унда хушовоз хонанда Озодбек Назарбеков ўзининг дилтортар қўшиклари билан иштирокчилар қалбига бир олам завқу шавқ бағишлади.

Мазкур тадбирда олий ўкув юртлари талабалари хамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўкувчиларидан 3000 минг нафари иштирок этди. Ватанга мухаббат, юртга садокат мавзуидаги концерт дастури ёшларнинг чинакам байрам сайлига айланди.

Еш тадбиркорлар билан учрашув

O'zLiDeP Амударё туман кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатасининг туман филиали хамкорлигида "Юлдуз" хусусий фирмасида "Тадбиркорлик давр талаби" мавзуида учрашув утказилди.

Унда куп йиллик тажрибага эга булган тадбиркорлар эндигина иш фаолиятини бошлаган ёш ишбилармонлар билан ўз тажрибаларини ўртоклашдилар. Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, мулкдорлар қатлами манфаатларини химоя килиш борасидаги партия олиб бораётган сиёсий тадбирларнинг ахамияти мамнуният билан тилга олинди.

Халқаро молия бозоридаги ўзгаришлар

Президентимиз 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иктисодий ислохотларни чукурлаштиришнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маърузасида: "Кимматли қоғозлар бозорини, айникса, иккиламчи бозорни ривожлантиришга алохида эътибор қаратиш, ракобатга бардошли фонд бозорини ривожлантириш бўйича якин истикболга мулжалланган самарали стратегияни ишлаб чикиш, акциялар ва объектларнинг биржа сотилишида ошкоралик савдоларида тамойилларини кескин кучайтириш керак", дея таъкидлаган эди.

Ш.БОБОХЎЖАЕВ, С.САЙДАЛИЕВ

Дархакикат, бугунги кунда ана шу сохага бутун дунёда жид-

дий эътибор қаратилмоқда. Айтиш керакки, қимматли когозлар бозорининг ривожланишига жахон иктисодиётининг

глобаллашуви ва байналминаллашуви кучли таъсир кўрсатмокда. Халкаро операцияларнинг у ёки бу мамлакатнинг ЯИМ кимматли когоз ва облигациялари билан ўзаро богланиши бу жараёнда мухим кўрсаткич бўлмокда. Сўнгги йилларда бундай нисбат етак-

чи давлатларда 1-5 фоиздан 100-700 фоизгача ўсди. Мазкур ўзгаришлар қатор сабаблар билан изохланади. Биринчидан, ўтган ўн йилликда фонд бозорларининг икки асосий модели — банк ва нобанк институционал тизимлари ўртасидаги тафовутларнинг йўқолиши кузатилди.

1993 йил Европада қабул қилинган "Инвестицион хизматлар тўгрисидаги Директивалар" анъанавий банк моделли мамлакатларда, энг аввало, Германияда кимматли когозлар компанияларининг фонд бозорларида ишлаш имконияти пайдо бўлди. Банкларнинг фонд биржаларида ишлаши тақиқланган Европа мамлакатларида энди уларнинг аъзолари бўлиш имконияти туғилди. Японияда ҳам тижорий ва инвестицион банк ишлари ўртасидаги тўсиклар аста-секин бекор қилинди.

Бундан ташқари, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга охирги йилларда молиявий тизимдаги либераллаштириш ва бошқариш жараё-

нларининг мустахкамланиши таъсир кўрсатди. Либераллашув фоиз ставкалари устидан назоратнинг олиб ташланиши, капиталларнинг кўчиб юришига қуйилган чекловнинг бекор қилиниши, молиявий бозорлардаги профессионал фаолиятнинг турли кўринишлари бирлашуви туфайли рўй берди. Бироқ бир вақтнинг ўзида қатор йўналишлар, шу жумладан, фонд бозорлари сохасини тартибга солиш холатлари кучайди. Айрим мамлакатларда эса, молиявий бозорлар бошқарувчиларини ягона муассасага бирлаштириш ва ягона супербошқарувчини юзага келтириш тенденцияси кузатилаяпти. Шу билан бирга қимматли қоғозлар бозорида "секьюритизация" ибораси пайдо бўлди. У купрок корхоналарнинг банк кредитидан қимматли қоғозлар эмиссиясига ўтган пайтда ишлатилади. Секьюритизация жараёнлари турли даражада барча ривожланган мамлакатларга

Ривожланаётган ва иктисо-

диёти ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда секьюритизация ривожланган мамлакатлардагига қараганда табиийки, пастрок ва корхоналарни ташки молиялашда банк кредитлари асосий роль ўйнайди. МДХ мамлакатларида кимматли когозлар ёрдамида молиялаштиришнинг кенгайишидаги тўсик акциядорлар ва кредиторларнинг заиф химоялаганлиги, бу сохадаги қонуннинг хали такомилга етмаганлиги, конунга риоя этишда самарали назоратнинг йўклиги хисобланади. Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, қим-

матли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун фонд бозори инфратузилмаларини фаоллаштириш, бозорнинг информацион очиклигини ошириш, интеграциялашув фонд бозорининг тўлик конуний ва бошқа меъёрий базаларини яратиш, унга имкони борича кўпрок акциялар ва кимматли қоғозларни жалб этиш талаб

этилади.

Она булиш бахти

Муҳаббат отлиғ туйғу фарзандлар туфайли янада мустахкамланади...

Дархакикат, фарзанд билангина хонадонлар файзга, қувончга тўлади, ҳаёт янада гўзаллашади. Бирок ойнинг ўн беши қоронғу бўлгани каби фарзандсизликдан азобланиб яшаётган ва айнан ана шу туфайли оила аталмиш муқаддас қўргонни тарк этаётганлар қанча? Бундан хам ёмони эса, ана шу бахтни қадрламай, хар йили дунёда 45 млн.дан зиёд аёл бўлажак фарзандидан воз кечаётир...

■ Сайёра ТУРГУНБОЕВА, «XXI asr» мухбири

Маълумотларга кўра, бугунги кунда бепуштлик хасталиги репродуктология йўналишидаги ўта жиддий муаммолардан бири бўлиб, айни дамда ушбу тиббий, ижтимоий-иктисодий хамда демографик масала юзасидан кўплаб ихтисослашган марказларда тадкикотлар олиб борилмокда. Жумладан, юртимиз мутахассислари хам ушбу дардни даволаш борасида салмокли натижаларга эришмоқдалар. Пойтахтимиздаги "Никох ва оила" маркази рахбари, олий тоифали врач Мухаббат МАКСУМОВА билан бугунги кунимизнинг энг нозик муаммолари хусусида сухбатлашдик.

 Мухаббат опа, сухбатимиз аввалида марказ хакида кискача маълумот берсангиз...

Дастлаб болалар касал-

ликлари ташхис маркази бўлими сифатида иш бошлаган шифохонамиз 1997 йилдан мустақил фаолият юрита бошлади. Айни пайтда бу ерда нафакат болалар касалликлари, балки аёл ва эркаклар бепуштлиги, фертиль ешдаги аелларнинг репродуктив саломатлиги, эркаклардаги функционал ўзгаришлар, нейро-эндокринологик бузилишлар, шунингдек, никохдан ўтмокчи бўлган йигит-қизларни тиббий кўрикдан ўтказиш каби хизматлар йўлга қўйилган. Марказда турмуш қуриш арафасидаги йигит-қизларга оилани режалаштириш, жинсий алока гигиенаси каби масалаларда хам маслахатлар бериб борилади.

Билишимизча, "Никох ва оила" маркази аёллар репродуктологияси йўналишида республикадаги санокли тиббиёт муассасаларидан бири хисобланади. Айтинг-чи, бунга купрок клиниканинг ўзига хос услуби сабабми ёки хозирги замон меди-

цина имкониятларими? - Бугун замонавий тиб-

биёт шу қадар ривожланиб кетди-ки, эндиликда инсоният хаётига хавф солиши мумкин бўлган касалликларнинг аксариятига даво топилмокда. Бирок беморларнинг соғайиб, тинч ва осойишта яшашига нафакат замонавий медицина имкониятлари, балки соха мутахассисларининг билим ва малакаси, тинимсиз изланишлари хам сабаб бўлмокда. Клиниканинг ўзига хос услубига тўхталадиган бўлсам, бу

ерда қуйилган ташхиснинг аниклиги хамда беморнинг индивидуал тарзда даволанишига алохида эътибор берилади. Шунингдек, марказда катталар хамда болаларда аниқланган касалликларни амбулатор ва ноанъанавий усуллар билан даволаш, невропатолог, гастроэнтеролог, окулист, ЛОР, аллерголок, нефролог, психолог сингари мутахассисларнинг тиббий

 Бепуштликни келтириб чикарувчи асосий сабаблар нималардан ибо-

реабилитацион консультатив

хизматлари хам кўрсатилади.

 Агар, 12 ойлик жинсий хаётдан кейин хам хомила пайдо бўлмаса, бунга асосан бепуштлик сабаб бўлади. Бу хасталик жинсий аъзоларнинг яллигланиши, турли инфекцион касалликлар, хомилани олдириш (аборт) ва жинсий аъзоларнинг ривожланмаганлиги оқибатида юзага келади. Кўриниб турибдики, бепуштлик алохида эмас, балки айрим касалликлар туфайли пайдо бўладиган дарддир.

— Гохида "биринчи хомила олдирилганидан сўнг аёл бепушт бўлиб қолади", дейишади. Шу хакда нима дея оласиз?

 Ха, хомилани олдириш аборт бепуштликка олиб келувчи асосий сабаблардан бири саналади. Маълумотларга кўра, хар йили дунёда 45 млн.дан зиёд аёл хомиласини олдириб ташлайди. Уларнинг мингтадан 37-40 нафари тугиш ёшидаги соглом

УНДАН ЮЗ ЎГИРАЁТГАНЛАР КИМЛАР?

БЕПУШТЛИКНИ ДАВОЛАШ МУМКИНМИ?

УН ИККИ ЙИЛДА УШАЛГАН АРМОН



аёллардир. Хомила олдирилганидан сўнг аёл зарур бўлган муолажаларни бажариши ва муайян давр мобайнида хомила орттирмаслиги лозим. Бирок айримлар кетма-кет хомила орттириб, ўз организмини зўриктириб қўяди. Бундан ташқари, баъзи аёллар хомилани олдирганларидан сўнг ўзларини эхтиёт қилмай, турли касалликларга дучор бўлишади. Натижада, бепуштлик ва бошка жиддий хасталиклар юза-

га келади. Демак, кўп нарса аёлнинг ўзига боглик экан-да?

 Албатта. Аммо улар буни доим хам тушуниб етавермайдилар. Боз устига, ўзбекчиликка бориб, вактида мутахассисга мурожаат этмайдилар. Кузатишларга қараганда, фарзандлик бўлиш орзусида юрганларнинг кўпчилиги орадан 4-5, баъзан эса 10 йил ўтганидан кейингина шифокорга учрашади, вахоланки, бепуштлик ҳам бошқа хасталиклар каби йил ўтган сайин огирлашиб бораверади.

 Мутахассислар фикрига кўра, бепуштлик касаллиги аникланган 64,4 фоиз аёлларда рухий ўзгариш, асабийлашиш, ўта жахлдорлик аломатлари кузатилади. Яна 28,2 фоиз аёлда эса, аксинча, қаттиқ тушкунликка тушиш холатлари руй берар экан.

 Аёл зоти борки, оналик бахтига муяссар бўлишни истайди. Клиникамизга даво истаб келган аёллар билан сухбат чогида уларни қандайдир айбдорлик хисси, умидсизлик кийнаётганини сезиб, хафа бўлиб кетаман. Табиийки, рухан азоб чекаётган одам борабора асаб касаллигига чалинади. Оқибатда жиззаки, жахлдор ёки умуман бефарк булиб қолади. Бироқ айрим холларда аелларимизнинг шу ахволга тушишига ўзлари сабаб бўлаётганини кўриб, ачи-

 Бепуштлик сабаб тушкунликка тушиб қолганларга кандай маслахатлар берган булардингиз?

— Якинда 12 йилдан буён фарзандли бўла олмаётган эр-хотин, "Опа, биласизми, оилада қанчалик мехр-мухаббат бўлмасин, фарзанднинг ўрнини боса олмас экан. Сўнгги умид билан сизга мурожаат қилмоқдамиз", - деганларида, очиги, даволаш ишларини бошлашга бироз хайиққандим. Бироқ махсус текширувлар, керакли муолажалардан сўнг хато қилмаганимни тушундим. Айтишим керакки, улардаги сабр, тоқат, келажакка бўлган ишонч бепуштлик муаммосини бартараф этишимизга катта

ёрдам берди. Бугун эса, уларнинг эгизак фарзандларини кўриб, чин дилдан қувонаман. Демокчиманки, дардни бартараф этиш нафакат шифокорларга, балки беморларнинг иродасига хам куп жихатдан богликдир. Колаверса, бугунги кун медицинаси имкониятлари хам катта. Лекин, энг асосийси, булажак оналаримизнинг ўзларига боглик. Соглом турмуш тарзини хаёт мазмунига айлантирган аёл эса, албатта, оналик бахтига эришади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда эл-юрт, айникса, оналар саломатлигига бўлган эътиборни алохида тилга олгим келади. Юртбошимиз ташаббуси ва ғамхурлиги туфайли истиклол йилларида болалар ва оналар ўлими кескин камайди. Аёлларимизга хос бўлган турли касалликларнинг туласинча олди олина бошланди. Биз бу ерда туриб, бундай ўзгаришларни сезмаслигимиз мумкин. Аммо бир неча кунга ён қушни давлатларга чиксангиз, ўзбек медицинасининг бугунги имкониятлари, яратилган шароитларга гувох бўласиз. Бу, менимча, энг мухим масала.

Мухтарам аёллар, сизларни бепуштлик муаммоси кийнаётган бўлса, "Никох ва оила" маркази ишонч телефонларига мурожаат этишингиз мумкин: 133-05-68, 133-90-54.

Сўранг, жавоб берамиз.

Саволларга хукукшунос Мубошир ХЎЖАЕВ жавоб беради

Омбудсман — холис воситачи хамдир

"Яқинда намойиш этилган телекўрсатувлардан бирида Омбудсман тўгрисида сўз борди. Унинг асосий бурчи инсон хукук ва эркинликларини химоялашдан иборатми ёки бошқа вазифаси ҳам борми? Шу хакда тўликрок маълумот берсангиз. Саидвали БОБОХОНОВ, Навоий шахри".

 Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда хам инсон хукуклари масалалари билан шугулланувчи миллий институтлар шакллана бошлади. Инсон хукуклари бўйича олий Мажлис вакили (Омбудсман), Инсон хукуклари Миллий маркази шулар жумласидандир.

Омбудсман — алохида шахс ёки бир гурух шахслар бўлиши мумкин. Одатда, у ўзининг конституциявий ваколатлари доирасида ёки тегишли конун асосида фаолият кўрсатувчи парламент томонидан тайинланади. Мазкур институтнинг асосий вазифаси давлат маъмуриятининг ноконуний харакатлари окибатида жабр кўрган алохида шахсларнинг хукукларини химоя қилишдан иборат. Шунга кўра, Омбудсман жабрланган шахс ва хукумат ўртасидаги холис воситачи сифатида фаолият кўрсатади. Ўзбекистонда Омбудсман институти, яъни инсон хукуклари буйича Олий Мажлис вакили 1995 йилдан буён фаолият кўрсатмокда.

Департамент сизни химоя қилади

"Турмуш ўртогим билан тўрт ой аввал ажрашган эдик. Лекин у вояга етмаган 2 нафар фарзандим учун белгиланган алиментни тўламасдан келмоқда. Бунинг учун қонунда тегишли жавобгарлик кўзда тутилганми? Алиментни ундириш учун кимга мурожаат этишим керак?

лаёқатсиз, ёрдамга мухтож болаларга алимент тўлашжиноий жавобгарликка тортилиши мумкин (ЖКнинг

ни мажбурий ижро этиш, "Суд хужжатлари ва бошка органлар хужжатларини ижро этиш тугрисида"ги қонунга мувофик, Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жихатдан ва молиявий таъминлаш департаменти худудий бўлинмалари суд ижрочилари туман (шахар) бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Амалдаги қонунчиликда ижрони таъминлаш мазкур департамент ёки унинг худудий бўлими томонидан назоратга олиниши кўзда тутилган.

Хўжалик судига мурожаат этинг

"Бу йил 35 гектар ерда пахта хосили етиштирдик. Минерал ўгитларни ўз вақтида ололмаганимиз ишимизга анча панд берди. **Гўза парвариши даврида бирталай** қийинчиликларга дуч келдик. Умуман, фермерга бериладиган ўғитнинг лимити қанча? Шу ҳақда

билишни истардик. Машраб ХАКИМОВ, Сирдарё тумани".

 Шартномага кўра, Сиз ўгит етказиб бериш ва бу борадаги мажбурият ижросини таъминлаш масаласи бўйича "Узкимёсавдо" га мурожаат қилишингиз керак эди. Агар тегишли микдордаги ўгит вактида етказиб берилмаганлиги сабабли мўлжалдаги хосилни ололмасангиз, вилоят хўжалик судига мурожаат қилишингиз мумкин. Фақат барча даъволарингизни тегишли хужжатлар асосида тасдиклашингиз лозим. Шуниси ҳам борки, бугунги кунда кўпчилик фермерлар ўгитни ўзлари сотиб олмокдалар.

Минерал ўгитлар ерга, одатда, бугдой ва пахтанинг ўсиш технологиясини хисобга олган холда сочилиши керак. 1 центнер хосил учун ўртача 4 кг. лимит белгиланган. Бу меъёр ўсимликшунослик институти томонидан тасдикланган.

Соликчилар хато **КИЛИШИб**ДИ

"Мен шахсий ёрдамчи хўжалигимда икки йилдан буён асаларичилик билан шуғулланаман. Хозирда 6 қути асаларим бор. Якинда соликчилар келиб, тегишли микдорда солиқ тулашим кераклигини айтишди. Уларнинг талаблари тўгрими?

Холикул ЖАББОРОВ, Бахмал тумани".

— Шахсий ёрдамчи хўжалигида етиштирилган қорамол, қуён, нутрия, балиқ, паррандаларни ҳам тирик, хам сўйилган, хом ва қайта ишланган холда, шунингдек, асаларичилик махсулотларини ва бундай хужаликларда етиштирилган табиий ёки қайта ишланган дехкончилик махсулотларини сотишдан олинган даромадлар жисмоний шахсларнинг солик солинмайдиган даромадлари жумласига киради. Бунинг учун Сизда шахсий ёрдамчи хўжалик мавжудлиги тўгрисида махаллий давлат хокимияти ёки фукаролар ўзини ўзи бошкариш органларининг тегишли маълумотномаси булса, кифоя.

Хам даво, хам хордик

Пойтахтимизнинг Бўз дахасида жойлашган 2-сонли марказий клиник шифохонада, асосан, узоқ йиллар мобайнида Ватанга, халққа хизмат қилган кишилар ва пенсионерлар, Чернобиль фалокати оқибатларини тугатишда жонбозлик курсатган юртдошларимиз, Афгонистондаги уруш ногиронлари даволаниб, ўз согликларини тиклашади.

Ж Уз мухбиримиз


160 ўринли мазкур шифохонада асаб, юрак-контомир, эндокрин, ички аъзолар, ЛОР, кўз касалликлари даволанади. Замонавий тиббиёт ускуналари ва жихозлари, малакали врачлар ва хамширалар беморлар хизматида. Хоналарда телевизор, радио. Каттагина китоб фондига эга кутубхона эшиги доимо очик. Фитобар ишлаб турибди. Кишки ва ёзги богларнинг хавоси хамиша тоза ва муътадил.

Бу ерда ўз касбининг усталари ишлашади. Л. Кондратьева, Р. Соатова, Л. Васильева, Д. Абдурахмонова, С. Курсанов, С. Аъзамхўжаев сингари юкори тоифали врачлар, Т. Сирожиддинова, И. Тошпулатова, З. Гозиева, А. Жаъфарова ва бошка кўплаб тиббиёт хамширалари, нафакат дори ва муолажалари, балки ширин муомалалари билан ҳам беморлар дардига малхам бўлишмоқда.

- Хомийлар ва шифо-

корлар йили муносабати билан касалхонамизда даволаш ишларини замон талаблари асосида ташкил этишга интилаяпмиз, - дейди бош врач ўринбосари Санобархон Мусинова. - Кейинги йилларда неврология, эндокринология, терапия бўлимлари таъмирдан чиқарилиб, беморларга қулайликлар яратилган эди. Хозирги кунда эса беморларни қабул қилиш, кардиология, кўз касалликлари бўлимларини таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмокда.

Дархакикат, бу масканда хамма нарса беморлар яхши даволанишлари ва айни вақтда кўнгилли хордик чикаришларига сафарбар этилган. Мамлакатимизда инсон саломатлиги йўлида кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик, худди томчида қуёш акс этганидек, бу ерда хам яккол намоён бўлиб турибди.



Хикоят СОБИРОВА, Тошкент шахри".

— Вояга етмаган ёки вояга етган, лекин мехнатга дан, уларни моддий таъминлашдан буйин товлаган шахслар ота-оналик хукукидан махрум килиниши ёки 122-моддаси ва Оила кодексининг 79-моддаси). Суднинг алимент ундириш ҳақидаги қарори-



Ахоли ўртасида маънавиймаърифий ишларни кучайтириш БПТ раисининг доимий эътиборидадир.

«XXI ASR» IJTINIOIY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI



Хозирги кунда марказ қошида 40 дан зиёд ёшлар билан машгулотлар олиб борилаяпти, уларни оилага тайёрлашга хам жиддий эътибор қаратилмоқда.

WWW.21ASR.COM





ЯХШИЛИК ВА КАМТАРЛИК — ШУ ИККИ ФАЗИЛАТДАН КИШИ ХЕЧ ҚАЧОН ЧАРЧАМАСЛИГИ КЕРАК

«Юрт ободлиги кунгил ободлигидан бошланади»

— дейди Бухоро шахар Абдухолиқ Ғиждувоний номли МФЙ хузуридаги бошланғич партия ташкилоти раиси Мохира ФАЙЗУЛЛАЕВА

Бухоро шахридаги мазкур махалла кучаларини айланаркансиз, кўнглингиз янада равшан тортади. Хаммаёқ озода, саранжом-саришта. Ушбу худуддаги хонадонлардан бирида истикомат килувчи ака-ука тадбиркорлар — Салохиддин ва Шавкат Рахматовлар махалла ободончилигига муносиб хисса қўшиш, эҳтиёжмандлар ва якка-ёлғиз қарияларга ҳар томонлама кумаклашишни одат қилишган.

M Acxop ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири

«Хомийлар ва шифокорпар йили»да улар сафига Иноят Рахматов хам кушилди. Савобнинг катта-кичиги йўқ, дейдилар. Хожатбарор инсонларнинг саъйнадонида истикомат килувниб қолган коммунал тўлов кутулди. Бошка бир тадбиркор — шахсий такси хайэса ногирон махалладоши Зариф Туробовни молиявий жихатдан қўллаб, купнинг дуосини олди.

— Бунга ўхшаган мисоллар кўп, - дейди биз билан сухбатда бошлангич ташкилот раиси М. Файзуллаева. — Зеро мурувват, инсонпарварлик O'zLiDeРнинг эзгу максадларидан биридир. Уни тўла руёбга чикариш биз, фаоллар зиммасига алохида масъулият юклайди, албат-

Дархакикат, шундай. Жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтган махалла фукаролар йигинлари раислари (оксоколлари) сайловида М. Файзуллаева махалладошлари ишончини қозонган хамда йигин раислигига қайта сайланган эди. Бу, албатта, бежиз эмас. Иигин раиси омма билан ишлашнинг хадисини олган. Унинг саъй-харакати ва ташкилотчилиги туфайли кейинги йилларда кўплаб тураржойлар қайта таъмирланди, янги хиёбон ва гулзорлар барпо этилди. Худудда жами 640 та оила, 2450 киши истикомат килади. Ширбудин, Баховуддин Нақшбанд, Газли шоҳкўчаларидаги тозалик-озодалик, орасталик хар қандай кишида катта таассурот қолдириши турган гап.

Юрт ободлиги кўнгил деганларича бор. Махалла тарбия ва спорт-соглом- бўлди.

фукаролар йигини бошлангич партия ташкилоти атрофига уюшган 10 га якин аъзолар, жумладан, махалла посбони Санам Турдиева, "Сувчи" поликлиникаси харакати ва молиявий кума- шифокори Ирода Мирзаеги туфайли якинда Газли ва, кекса тиббиёт ходими шохкучасининг 5-уй, 9-хо- Гулзода Собирова, шунингдек, Мукаддас Шомуродочи Каххор ота Кодиров бир ва ва Феруза Шукурова неча йилдан бери тўпла- хамиша эл-юрт ташвиши билан банд. Улар сиёсий карзларидан батамом фаолликни ошириб, ўз зиммаларига юклатилган партиявий топширикларни довчиси Комил Киличев сидкидилдан адо этаяпти-

> МФИ худудида "Оила маркази" ташкил этилганига эса анча бўлди. Мохир тикувчи Наргиза Хамидова уйда ўтириб қолган 10 дан ортик хотин-кизларни ўз атрофига тўплаб, уларга чеварлик сирларини ўргатмокда. Мавжуд 2 та цехда эртаю кеч иш қизғин, чеварлар қулида сайқал топган кийим-кечаклар ўзининг юкори сифати ва харидоргирлиги билан ажралиб ту-

Махалла худудидаги хонадонларда истикомат килувчи ахоли ўртасида маънавий-маърифий ишларни кучайтириш БПТ раиси ва фаоллар эътибори-

Ушбу максадга эришиш учун барча имкониятлардан, жумладан, кўргазмали ахборот воситаларидан кенг фойдаланилаётир. Хусусан, панноларда акс этган "Уз тарихини билмаган халқнинг келажаги бўлмайди", "Инсоннинг киймати эмас симу зар, инсоннинг киймати илм ва хунар" каби даъваткор сўзлар турли ёшдаги кишилар, айникса, йигит-кизларни истиклол гояларига садокат рухида тарбиялашда мухим ахамият касб этиши шубхасиз-

Бошлангич ташкилот атрофига уюшган O'zLiDeP аъзолари М. Файзуллаева





Юртдошим, боғингга бир нихол қада, Бу нихол номини яхшилик ата...

лаштириш ишларини ривожлантиришда хам бошқош бўлишаяпти. Бу, албатта, ўз самарасини бераётир. Мана, бир мисол. Жорий йилнинг май ойида вилоят микёсида ўтказилган оилавий спорт мусобақаларида Гиждувоний номидаги МФИ жамоасининг қули баланд келди. Ушбу махалла худудида истикомат килувчи Солиховлар оиласи фахрли II ўринни қўлга киритиб, "Отам, онам ва мен" ободлигидан бошланади, етакчилигида жисмоний мусобақасида совриндор

Махалла худудида жисмоний чиникиш майдончалари ташкил этилган. Улар спорт ихлосмандлари би-

лан хамиша гавжум. Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар бир йилга ўзига хос ном берилаётганлиги омма хаётига ижобий таъсир кўрсатмокда. Эътибор беринг: «Мехр-мурувват йили» (2004), «Сихат-саломатлик йили» (2005), нихоят «Хомийлар ва шифокорлар йили»... Улар мохиятан биррак. Жумладан, 2006 йилда хомийлар кумаги билан кут-

Мохира ФАЙЗУЛЛАЕВА, 1960 йилда Бухоро шахрида тугилган. 20умумтаълим мактабида ўкиган. Бухоро давлат педагогика институти (хозирги Бухоро давлат университети)нинг рус филологияси факультетини тамомлаган. Вилоят "Кишлок хужалик техникаси" бирлашмасида хукукшуносмаслахатчи 13, 20, 30-мактабларда уқитувчилик қилган. 4-сон умумтаълим мактаби директори лавозимида фаолият курсаттан. 2004 йилдан бошлаб Абдухолик **Гиждувоний номли** махалла фукаролар йигинига рахбарлик қилмоқда. O'zLiDeP бошлангич

хомийларнинг бегараз ёрдами туфайли махалла фукаролар йигини худудида истикомат килувчи кам таъминланган оилаларнинг 15 нафар фарзандига "Шахбоз-Шохром" оромгохига йўлланмалар берилди.

ташкилотининг раиси.

Фақат шугина эмас. Навруз байрами бахонасида ташкил этилган мўъжаз бир тантанани хаёлан тасавбири билан уйгун, мушта- вур қилайлик. Саховатпеша

луғ айём арафасида 13 яшар болакайнинг мучал, 3 нафар кичкинтойнинг суннат тўйлари ўтказилди. Отаоналарнинг ўша дамлардаги қувончини кўрсангиз!

Бир сўз билан айтганда, хаёт мураккаб. Унинг қахрию захрига хамма хам дош беравермайди. МФИ худудида истикомат килувчи 15 нафар ногирон аёлнинг ўксик кўнгилларига малхам бўлиш, уларга хар томонлама ёрдам кўрсатиш БПТ фаолларининг диккат марказида. Анъанавий байрамлар арафасида мухтожлар холидан хабар олинади, уларга совга-саломлар улашилади.

Яна бир гап. Махаллага қарашли хонадонларда истикомат килувчи куп болали оилалар алохида ғамхўрлик билан қуршаб олинган 1-3 ёшли бола тарбияси билан шуғулланаётган 47 нафар аёл ҳам бундан мустасно эмас. Жорий йилнинг биринчи ярмида уларга 2 млн. сўмга якин нафака пуллари тўланганлиги эътиборга моликдир.

Кексаларга хурмат-эътибор кўрсатиш — халкимизга хос азалий қадрият. Шу боисдан бўлса керак, 3-МФИ худудидаги хонадонларда истикомат килувчи Гесун Квон, Сидбиддин Шехометов, Елена Федорова, Авазбиби Сафарова сингари отахон ва онахонлар махалла ахлининг мехр-мурувватини хамиша хис этаяптилар. Зеро, орамизда саховатпеша инсонлар кўп. Таникли селекционер олим, "Бухоро-6" пахта нави муаллифи А. Батталовнинг номи купчиликка яхши маълум. У якинда Бухородаги кўзи ожиз болалар мактаб-интернатида ўтказилган тадбирда иштирок этиб, кам таъминланган болаларнинг 16 нафарига ўз хисобидан кийим-кечаклар тухфа килди. МФЙ бошлангич партия ташкилоти аъзолари ушбу хайрли ишда хам бошқош бўлишди. Улар, шунингдек, корхона-ташкилотлар ва ўкув муассасаларида тезтез бўлиб, партиянинг дастурий гоя ва максадларини кенг тушунтириш, тарафдорлар сафини кенгайтириш йулида куч-ғайратларини

аямаяптилар. Бир сўз билан айтганда, махалла фукаролар йигини ишини давр талаблари даражасида ташкил этиш, ахоли фаровонлигини ошириш, хонадонларда тинчликосойишталикни таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда-ки, буларнинг ҳаммаси, шак-шубхасиз O'zLiDeP гоялари ва максадларига тўла хамохангдир.

Хар бир жамият тараққиётида жамоат ташкилотлари хисобланмиш сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жойлардаги махаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг алохида ўрни бор. Улар бошқарувга бевосита алоқадор бўлмасалар-да, ахоли маълум бир қатлами манфаатларининг химоячиси сифатида мавжуд муаммолар юзасидан ўз ваколатлари доирасида тегишли давлат идораларига таклифлар киритиш, ижросини таъминлашга таъсир курсатиш имкониятига эгадирлар.

Фаоллар асосий таянчимиз

Нурулло ТУРДИКУЛОВ,

«Шўртангазкимё» мажмуаси цех

бошлиғи, O'zLiDeP фаоли

Шубхасиз, бу борада O'zLiDeРнинг жойлардаги қуйи бўгинлари — бошлангич ташкилотлар зиммасига алохида масъулият юклатилганлигини унутмаслик лозим.

Айни пайтда корхонамизда партия аъзолари сони 550 нафардан ошди. Улар ишлаб чикаришда ўрнак бўлиш билан бирга турли сиёсий тадбирларда хам фаол қатнашиб, эл эътибори ва ишончини қозонаяптилар.

Утган қисқа давр орасида O'zLiDeP мамлакатимизда "амалиётчи партия" сифатида танилди. Бунга эришиш осон бўлгани йўқ, албатта. Мен юкорида сафимизда 550 нафардан зиёд O'zLiDeP аъзоси мехнат қилишини бежиз таъкидламадим. Бошлангич партия ташкилоти корхонада ўтказилаётган кўпгина ибратли тадбирларнинг ташаббускори сифатида майдонга чикаётганлиги эътиборга моликдир. «Хомийлар ва шифокорлари йили» муносабати билан фахрийлар холидан хабар олиш, уларни моддий ва маънавий рагбатлантириш яхши анъанага айланди. Айникса, «Хотира ва кадрлаш куни» муносабати билан ўтказилган тадбир кўпчилик ёдида ўчмас из қолдирганлиги шубхасиз. Ватан озодлиги, халк эрки учун жон олиб, жон берган инсонларни, мехнат фахрийларини бир пиёла чойга таклиф этдик, уларга иззат-икром кўрсатдик, хотираларини тингладик.

Бошлангич партия ташкилоти йил бошида болалар спортини ривожлантиришга муносиб хисса қушиш ташаббуси билан чиққан эди. Корхонамизда меҳнат қилаётган O'zLiDeP аъзолари бу борада ўзларини масъул, деб билмоқдалар. Якинда цехлараро мусобака ташкил этилди, унинг голиблари муносиб такдирланди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 186 млн. сўм маблағ ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, "Шўртангазкиме" жамоаси юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этмоқда. Бу борада, шубхасиз, O'zLiDeP аъзоларининг хиссаси салмоклидир.

O'ZLIDEP ОДИМЛАРИ



2006 йил 13 июль Пайшанба 28 [134] -сон, www.21asr.com

O'ZLIDEP ОДИМЛАРИ

Изланищда хикмат куп

Қўрғонтепа туманидаги "Ёшлар" касб–ҳунар марказида қўлга киритилаётган ютуқлар шундан далолат беради

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил этилганда, уни қўллаб-қувватлаган ташаббускорлар орасида Қўргонтепа туманидаги "Гулшанобод" фирмасининг жамоаси ҳам бор эди. Орадан кўп ўтмай, ушбу фирма қошида ҳунар маркази ташкил этилди ва унга "Ёшлар", деб ном берилди.

■ Аъзам КОДИРОВ, «XXI asr» мухбири

Чунки жамоа аъзолари, асосан, ёшлардан иборат. Уларнинг қарийб 20 нафари О'zLiDeP аъзосидир. Марказ рахбари Манзурахон Бахромова ҳамда бошланғич партия ташкилоти раиси Насиба Отакулова етакчилигида ўтказилаётган давра суҳбатлари, жонли мулоқотлар давомида партия Дастури ва ғоялари кенг тарғиб ҳилинмоҳда. Зеро, улар замирида элнинг эзгу маҳсад ва интилишлари ўз ифодасини топган.

Гоявий чиниқиш — ютуқлар гарови. Шу боисдан бўлса керак, тингловчилар ўртасида сиёсий билимларга қизиқиш кучайиб бораётганлиги яққол сезилмокда. Навоий, Янги ҳаёт маҳалла фуҳаролар йигинлари ҳудудида истиқомат ҳилувчи кишилар турли масалалар юзасидан, ҳунар марказига тез-тез мурожаат ҳилиб туришади. Хуллас, маиший хизмат кўрсатиш маскани бир ваҳтнинг ўзида маънавият ўчогига ҳам айланиб бораяпти, десак хато бўлмаймиз.

 Мен "Ёшлар" маркази фаолияти билан дугонамнинг никох тўйи оркали танишганман, — дейди мижозлардан бири Зубайдахон Қўчкорова ўзига хос мамнуният билан. -Ушанда келиннинг дугонаси бўлганим учун сочимни бепул турмаклаб қўйишган. Энг асосийси, бу ерда зар дўппи, нимча ва такинчоклар бепул, келинлик либосларининг ижара нархи буюртмачининг иктисодий имкониятини хисобга олган холда белгиланар, кам таъминланган оилаларга текин хизмат кўрсатилар экан. Тўй инсон хаётидаги бахтли, унутилмас вокеалардан биридир. Бу кунни ота-оналар ва йигиткизлар орзикиб кутишади. Оққан дарё оқаверар экан. Н. Отакулова ўзининг эзгу ишлари, кам таъминланган ва эхтиёжманд оилаларга кўрсатаётган ёрдами хакида гапиришни унчалик хушламайди. Камтар киши ўз ишини билиб қилаверади. Хуллас, туман марказида жойлашган ушбу ўкув ва


ишлаб чиқариш маркази ҳамиша гавжум. Эрталабдан кечгача мижозларнинг қадами узил-

Марказ, асосан, хотин-қизлар ва эркаклар учун енгил кийим-бош тикишга ихтисослашган. Мавсумга қараб, талаб ва эҳтиёж ҳам ўзгараверади. Ҳозир, масалан, ёз мавсумида нима кўп — никоҳ тўйлари кўп. Келинчаклар киядиган барча



Насиба ОТАҚУЛОВА, 1987 йили Андижон вилоятининг Қўргонтепа туманида тугилган. Ўш давлат университетининг кимё факультетида сиртдан тахсил олмокда. Айни пайтда тумандаги "Гулшанобод" хусусий фирмасига қарашли "Ёшлар" касб-хунар маркази чевари, бошлангич партия ташкилоти раисидир.

кўйлак ва миллий либослар учун буюртма бериш мумкин. Марказ қошида аёллар сартарошхонаси ҳам мавжуд. Бундай қулайлик қишлоқ ёшларини мамнун этмоқда. Умуман, турмуш маданиятини ошириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича





қандай тадбир ўтказилаётган бўлса, бари-барида бошлангич партия ташкилотининг ўз ўрни бор.

Хомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан хотин-қизларга бепул касбұнар ўргатилмоқда. Хозирги кунда марказ қошида 40 дан зиёд ёшлар билан машғулотлар олиб борилаяпти. Хусусан, қизларга ҳунар ўргатиш билан бирга уларни оилага тайёрлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

— Кези келганда бир нарсани очик айтишим лозим, дея сухбатни давом эттира-

ди Н. Отакулова. — Оммага гоявий таъсир ўтказиш учун барча имкониятлардан тўлик фойдаланаяпмизми? Афсуски, йўк. Баъзи аъзоларимизда сиёсий фаоллик етишмайди. Жамоа хаёти билан боглиқ айрим масалалар эътибордан четда қолаётгани ҳам сир эмас. Демак, иш фаолиятимизни такомиллаштириш учун хали кўп изланишимиз лозим. Агар биз ташаббускор ва тадбиркор бўлмасак, республикамизда олиб борилаётган ислохотлар мазмун-мохиятини кенг оммага етказа билмасак, халқ назаридан

қолишимиз ҳеч гап эмас. Бинобарин, фаолиятимизга танкидий нуқтаи назардан ёндашиб, мавжуд камчиликларни бартараф этишга, сиёсий ўқув машғулотлари орқали бошланғич ташкилот аъзоларининг билим ва тафаккурини бойитишга зўр бермоғимиз керак.


Ўша куни БПТ раиси билан узоқ суҳбатлашдик. Унинг барча фикрлари тийран, ҳаётий эди. Суҳбатдан сўнг сафларимизда шундай фидоий, ҳаракатчан, тадбиркор инсонлар кўпроқ бўлса, деган фикр ўтди.

Одатда онгли ва фаол инсонгина барча кийинчиликларни енгиб ўтишга кодир бўлади. О'zLiDeP Куйичирчик туман кенгаши ўз олдига кўйилган талаблардан келиб чикиб, таргибот-ташвикот ишларини кучайтиришга, ахолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишга жиддий эътибор каратмокда. Бу борада жойлардаги 30 дан зиёд бошлангич ташкилотларнинг ўрни ва хиссасини алохида таъкидлаш жоиз.

Дониёр КАМОЛ, «XXI asr» мухбири

— Муассасамизда 127 врач, 150 нафар ўрта тиббиёт ходими мехнат қилади, — дейди марказий касалхона хузуридаги БПТ етакчиси Нусратилла Холиқов. — Улардан 26 нафари

партия аъзосидир. Яна 10 нафар ходимнинг аризаси туман кенгашига такдим этилган. Демак, якин орада сафимиз янада кенгаяди.



Инсон қалбига йўл

унинг ички дунёсини "кашф" қилишдан бошланади

Албатта, гап сонда эмас, балки юксак эътикод ва ташаббускорликда. Бу борада нолийдиган жойимиз йўқ. Партия аъзоларининг хаммаси етук билим ва тажриба эгаларидир. Улар ўзларига юклатилган топширикларни виждонан уддалаб келишмокда. Масалан, Саидкарим Саидов, Манзура Суханова, Саидолим Бобосаидов, Мохира Бозорбоева, Сусанна Марич сингарилар хизмат бурчларига сидкидилдан ёндашиш билан бирга гоявий таргиботчилик сохасида хам фаоллик кўрсатишаяпти.

Хотира ва қадрлаш куни ара-

Нусратилла ХОЛИҚОВ, 1968 йилда туғилган. Маълумоти — олий. Тожикистон давлат медицина университетининг даволаш факультетини тамомлаган. Айни пайтда Куйичирчик тумани марказий касалхонаси бош шифокори, OʻzLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

фасида савоб ишга қўл урилди. Узоқ йиллар туман соғлиқни сақлаш тизимида мехнат қилган ва эл-юрт хурматини қозонган мархум шифокорларга атаб марказий шифохона худудида ёдгорлик тоши ўрнатилди. Бу, албатта, улар хотирасига кўрсатилган юксак эхтиром рамзидир.

БПТ ташаббуси билан жойларда, касалхона жамоаси ўртасида кўплаб тадбирлар, учрашув ва сухбатлар ташкил этилмокда. Масалан, оилада тиббий маданиятни оширишга бағишланган "Соғлом она — соғлом бола" мавзуидаги давра сухбатида 50 дан ортиқ бўлғуси оналар иштирок этишди.

Маълумки, "Хомийлар ва шифокорлар йили" муносабати билан қабул қилинган давлат дастурида тиббиёт ходимларининг касб махоратини ошириш, уларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, янги хизмат турларини жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Касалхонада бу йўналишда жиддий изланишлар олиб борилмоқда. 127 нафар врачнинг 19 нафари олий, 30 нафари 1-тоифали малака эгасидир. Ўтган йили 3

нафар врач Босния ва Болтиқбўйи мамлакатларида бўлиб, касб

махоратини ошириб қайтишди. Туманда 96 минг 200 нафар ахоли яшайди. Барча тиббиёт масканлари, жумладан, ҚВПлар қайта таъмирланган, электр ва газ тармоқларига уланган.

— Бемор ширин сўз, таскин ва юпанчга доим мухтожлик сезади, — дейди Н. Холиқов. — Шундай пайтлар бўладики, доридармон билан хам соғаймаган киши бир оғиз ширин сўз туфайли оёққа туриб кетади. Демак, шифокор биринчи навбатда хушмуомала, маданиятли инсон бўлиши лозим. Ана шундагина, у эл назарига тушади.

Ха, бемор қалбига йўл топиш осон эмас. Буни касалхона шифокорлари, хусусан, бошлангич ташкилот атрофига жипслашган партия фаоллари яхши тушунишади. Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган маъкулрок. Шу боис, даволаш-профилактика ишларини намунали ташкил этиш, партия гоя ва мақсадларини кенг таргиб қилиш йўлида қуйичирчиклик партия фаоллари барча имкониятлардан фойдаланмокдалар.

Сариосиё тумани Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Айни пайтда мазкур туманда 5128 нафар OʻzLiDeP аъзоси 49 та бошланғич ташкилотга уюшган ҳолда фаолият юритмоқда. Улар туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тарбиявий-сиёсий ишларни кучайтириш йўлида куч-ғайратларини аямаётирлар.

Бурч масъулияти

сариосиёлик фаолларни амалий ишларга ундамокда

■ Холмўмин МАМАТРАИМОВ, «XXI asr» мухбири

"ШСЗ-2" ҳудудий бошланғич партия ташкилоти ўз атрофига OʻzLiDeP туман кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя ҳилиш туман жамияти ходимларидан иборат 16 нафар аъзони бирлаштирган. Ташкилотга 2004 йилдан бери Алишер ҳакимов етакчилик ҳилмоҳда.

— Ўшанда истеъмолчиларнинг хукукларини химоя килиш жамияти раиси вазифасида ишлар эдим, — дейди етакчи. — Очиги, БПТнинг таъсис йигилишида номзодимни раисликка тавсия этишганида, бироз хаяжонланганим рост. Чунки сиёсий етакчиликнинг ўзига хос нозик жихатларини яхши тушунардим. Партия гояларини одамлар калбига етказиш, ташкилий ишларни йўлга кўйишнинг ўзи бўлмайди. Лекин сафдошларим менга ишонч билдиришгач, уларнинг хохишига қарши боролмадим. Интилганга омад ёр, деганларича бор экан.

Дарҳақиқат, шундай. Ташкилот аъзолари сиёсий жиҳатдан етук, ўз эътиқодига содиқ ёшлардан иборат. Партиявий-сиёсий тадбирларни йўлга қўйишда OʻzLiDeP туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Зайниддин Муродов яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Бундай якдиллик ва ҳамкорлик ўз самарасини бераётир. Энг муҳими, OʻzLiDeP бир бинода жойлашган уч ташкилотни муштарак мақсад сари йўналтира олди. Кўпчилик партия истиқболига

ишонч билан қараб, унинг сафларида бўлиш истагини билдираётганлиги бежиз эмас. БПТ ташаббуси билан ташкил этилаётган турли танлов ва кўриклар голиблари нафакат маънавий, балки моддий жихатдан хам рагбатлантирилиб борилмоқда. Токи, бирор киши эътибор ва гамхурликдан четда қолмасин.

Аслида партиянинг обрў-эътибори куйи бўгинлар фаолияти билан чамбарчас богликдир. БПТ раиси ва фаолАлишер ХАКИМОВ, 1978 йилда тугилган. Термиз давлат университетининг молия-менежмент факультетини тугатган. Сариосиё туманидаги "2шагал саралаш заводи" ("2-ШСЗ") худудий бошлангич партия ташкилоти раиси.

лари буни яхши билишади, албатта.

— Алишер камгап, камтарин йигит, — дейди O'zLiDeP туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Зайниддин Муродов. — Эсингизда бўлса, мамлакатимиз рахбари партия ташаббускор гурухи аъзолари билан учрашувда: "... халқ ғамини ейдиган, унинг ташвишларини юракдан хис этадиган, ўзини етакчи деб хисоблайдиган одам доимо ёниб туриши керак", дея таъкидлаган эдилар. Бизнинг етакчида ана шундай хислатлар мужассам, деб ўйлайман.

Яқинда унга катта ишонч билдирилиб, туман молия бўлимининг бош хисобчиси этиб тайинланди. Бу вазифани хам виждонан уддалаб кетишига ишонамиз. Энг мухими, партия аъзоси қаерда бўлмасин, эл-юрт назарида эканлигини унутмаса бас.

— Тўгри, масъулият юки огир, — дея сухбатга кўшилади А. Хакимов. — Давр билан хамнафас бўлиш учун ўз гоявий-сиёсий билимларимизни оширишга харакат қилаяпмиз. Бу борада "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси алохида ахамият касб этмокда. Газета сахифалари оркали илгор тажрибалар билан якиндан танишаяпмиз. Айникса, бошлангич партия ташкилотлари хаётига оид илованинг чоп этилаётганлиги айни муддао бўлди. Илова оркали куйи бўгин вакилларининг фаолияти билан якиндан танишиб, ўзимиз учун кўп нарсаларни кашф килаяпмиз.

Хозир қуруқ гап, қуруқ ваъдалар билан одамлар кўнглига йўл топиб бўлмайди. Шу боис, биз омма орасига амалий ҳаракатларимиз билан кириб боришга интилаяпмиз. Кези келганда яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз. Бошланғич партия ташкилотлари Қонунчилик палатасидаги депутатларимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар, улар ташаббуси билан ҳабул ҳилинаётган ҳонунларга оид янгиликлардан хабардор ҳилиб турилса, маҳсадга мувофиҳ бўлар эди. Зеро, бу нафаҳат партия фаоллари, балки кенг омма учун ҳам ҳизиҳарли ва фойдали, деб ўйлайман.

Илова учун масъуллар: Носир ТОШЕВ, Темур АБДУРАХМОНОВ УЗ озодлигига эришган халқ фақат **вилим машъали билангина** келажак йўлини ёрита олади

MYCOXABA

Мамлакатимизда ғаллачиликни илмий асосда ривожлантиришда Республика Сугориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадкикот институти **Галлаорол** филиалининг ҳам муносиб хиссаси бор. Ғаллачилик бўйича бой илмий тажрибага эга ушбу муассасада йигирмадан ортик қишлоқ хужалик экинлари селекцияси бўйича тадкикот олиб борилмокда. Дон экинларининг махаллий иклим шароитига мос навларини яратишга доир изланишлар яхши самара бераётир. Филиалда яратилган "Замин-1", "Шавкат", "Дўстлик" бугдой навлари истикболли хисобланади.

Яхши уруғ мул хосил асоси

Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири

Филиал директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Тошпулат УРИНБОЕВ галла навларини махаллийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ЎзА мухбирига сўзлаб берди.

- Сугориладиган ерларда бошоқли дон экиладиган майдонлар кенгайтирилиб, тармок экстенсив ривожланишдан интенсив ривожланиш боскичига ўтди. Эндиликда ғалла етиштиришни, асосан хосилдорликни ошириш хисобига кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш учун махаллий иклим шароитига чидамли навлар хамда кам харажат талаб этадиган, самарали агротехнологияни жорий этиш талаб этилмоқда.



Тупроги унумдор, сув билан яхши таъминланган, қулай иқлим шароитига эга ер майдонларида Россиядан келтирилган навлар юкори хосил бераётир. Лекин умумий галла майдонларининг 60 фоизидан кўпрогини ташкил этадиган, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарканд, Хоразм вилоятларидаги суви тақчил, иссиқ иқлимли ер майдонларида четдан келтирилган бошокли дон навлари кўзланган хосилни бермайди. Шунинг учун чидамли махаллий навларни кўпайтириш, уларнинг уругчилик тизимини йўлга қўйиш мухим вазифага айланди.

Сугориладиган майдонлар учун давлат реестрига киритилган 41 та бугдой навининг 20 таси, бешта қаттиқ буғдой навининг тўрттаси, арпанинг етти нави махаллий навлардир. Бугдойнинг "Дўстлик", "Замин-1", "Шавкат", "Хосилдор", "Ёмбош" каби навларидан Фаргона, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё вилояти дехконлари 70-80 центнергача хосил олмокда. Арпанинг "Ойқор", "Олғоли", "Қизилқўрғон", "Мавлоно" навлари хам яхши хосил бераётир. Бу навлар хорижникига нисбатан 7-10 кун эртапишарлиги, занг касалликларига, иссикка, шўрга, қурғоқчиликка чидамлилиги билан ажралиб туради. "Замин-1" ва "Шавкат" навлари икки фаслли бўлиб, уни кузда ва бахорда экиш мумкин.

Бу каби махаллий навларни хозирда уругчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари кўпайтирмокда. Биргина Ғаллаорол туманида жорий йилда 20 та фермер хўжалиги филиалимиз билан шартнома тузиб, элита ва супер элита уругини етиштириб бермокда.


Уругчилик билан шугулланган фермернинг моддий манфаатдорлиги ортади. Шунинг учун бунга талабгор кўп. Аммо бу масъулиятли ишни хамма хам уддалайвермайди. Уруглик етиштириш учун хўжаликнинг ер-тупрок шароити кулай, техникаси етарли, фермернинг ғаллачиликдаги тажрибаси юкори бўлиши керак.

Лалми худудларда табиий нам етишмаслиги боис, хосилдорликни ошириш кийин. Кейинги йилларда филиалимизда лалми ерларда юкори хосил берадиган ғалланинг 16 та нави яратилди ва уларнинг бошлангич хамда супер элита уруглари етиштирилаётир. Бу борада хам фермерлар билан хамкорлик яхши самара бермоқда. Лалмикор ерларда буғдойнинг «Тезпишар», «Зумрад», «Красновопад-210», арпанинг «Унумли арпа», «Нутанс» навлари парваришланмоқда.

Галлачилик ривожи уругчилик сохасидаги ютукларга бевосита боглик. Бу эса сохани янада такомиллаштиришни такозо этади.

«Мақсадимиз — етук мутахассислар тайёрлаш»

— дейди Ангрен компьютер ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежи директори Абдухаким МАМАТАЛИЕВ



Давримизни бежиз «ахборот асри», деб аташмайди. Чунки бугун замонавий алоқа коммуникациялари орқали ер юзининг исталган худуди билан богланиш ва у ерда кечаётган вокеа-ходисалардан бохабар бўлиш имкониятларига эгамиз. Бу эса, ўз навбатида ўсиб келаётган ёш авлод интеллектуал эхтиёжларини қондириш ҳамда илмий, маърифий-ахлокий дунёкарашларини шакллантирищда мухим роль ўйнайди. Шу боис, мамлакатимиздаги оддий мактаблардан тортиб, барча даражадаги илм даргохларини компьютерлаштириш, интернет тизимига улаш ва бошка ахборот воситалари билан таъминлашга алохида эътибор қаратилмоқда.

■ Шукурулло ПАРПИЕВ, «XXI asr» мухбири

Эришилаётган натижалар-чи?

— Талабаларнинг коллежда олган билимларини янада мустахкамлаш, уларнинг хар томонлама етук инсонлар бўлиб етишишларига ёрдам бериш хамда бўш вактларини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш мақсадида ҳуқуқшунослик, тарих, математика-физика, компьютер саводхонлиги хамда бадиий хаваскорлик тўгараклари фаолиятини хам хар томонлама кучайтиришта харакат килаяпмиз. Уларда ўкувчиларимиз ўз иктидорларини мунтазам ошириб боришаяпти. Масалан, Шавкат Тўйчиев физика фани бўйича республика олимпиадасида соврин-



Биз Тошкент вилояти ўрта махсус касб-хунар таълими тизимидаги етакчи ўкув муассасаларидан бири

 Ангрен компьютер ва ахборот технологиялари касбхунар коллежида бўлганимизда, бунга яна бир карра ишонч хосил қилдик. Мазкур илм даргохи ахборот ва коммуникация технологиялари йўналишлари бўйича вилоятда ягона хисобланади.

- Коллежимизда бугунги кунда 6 та йўналиш бўйича 1390 нафар ўкувчи тахсил олмокда, - дейди биз билан сухбатда коллеж директори Абдухаким Маматалиев. — Талабаларимиз ахборот коммуникация технологиялари йўналиши бўйича "Узбекистон-Германия" ўзаро хамкорлик лойихаси бўйича электроника, дастурлаштириш ва бизнеста ихтисослашган мутахассисликларни эгаллашмоқда. Уқувлар бугунги кун техникасининг сўнгги ютуклари бўйича жихозланган дарс хоналари ва лабораторияларда олиб борилмокда. <u>— Коллежнинг интел-</u>

лектуал ва моддий-техника базаси тўгрисида батафсилрок тухталиб ўтсангиз... Хозирги кунда ўкув

даргохимизда 4 нафар фан номзоди, 21 нафар бош ўкитувчи, 32 нафар катта ўкитувчи ва 24 нафар ўкитувчи-мухандис фаолият кўрсатаяпти. 30000 дан зиёд китоб фондига эга бўлган кутубхона, замонавий спорт мажмуаси, ёзги футбол стадиони, баскетбол ва волейбол майдончалари, юз ўринли ошхона ва юз ўринга мўлжалланган ётокхона талабаларимиз иктиеридадир. Илм даргохида 50 та фан кабинети, "Pentium IV" русумли компьютер, мультимедия синфи, 2 та киме, 3 та физика ва 2 та биология лабораториялари, инглиз, немис, рус тилларига мўлжалланган лингафон хоналари, компьютер тиртренажёри, икки комплект спорт тренажёри ўкувчиларимизнинг хам илмий, хам жисмоний чиникишлари учун хизмат қилмоқда. - Мавжуд шароит -

хавас килса арзигулик.

ли ўринлардан бирини эгаллади. Илхом Неъматуллаев Қозоғистонда ўтказилган "VIII Халқаро математика лойихаси"да иштирок этиб, бронза медалига сазовор бўлди. Спорт бўйича эришаётган муваффакиятларимиз хам чакки эмас. Айникса, миллий кураш, баскетбол, волейбол, таэквандо, футбол каби спорт турлари бўйича коллежлар орасида ўтказилаётган мусобакаларда совринли ўринларни эгаллашга муваффак бўлаяпмиз.

Албатта, бу билан ўкув даргохимизда хамма ишлар рисоладагидай, хеч бир муаммо йўқ, демокчи эмасман. Иш бор жойда камчиликлар хам бўлади. Аммо улар педагогик жамоамиз кучи билан енгиладиган вазифалардир. Уларни йўл-йўлакай ҳал қилиб, коллежимиз мавкеини янада ошириш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга солаверамиз. Максадимиз эса, озод ва обод юртимизга муносиб мутахассис кадрлар тайёрлашдир.

Ўзбекистон Банклар уюшмасида "Микромолиялаш хизматлари" мавзуида семинар бўлиб ўтди. АТБ "Микрокредитбанк", Банклараро молиявий хизмат маркази ва Савдо-саноат палатаси хамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шахри ва вилоятлардан тегишли муассасалар рахбарлари, соха мутахассислари иштирок этдилар.

Кун тартибида: микромолиялаш

Уз мухбиримиз

Маълумки, "Микрокредитбанк" давлатимиз рахбарининг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўгрисидаги Фармони ва Вазирлар Махкамасининг ушбу банк фаолиятини ташкил этиш, унинг моддий-техника базасини мустахкамлашга қаратилган қарори асосида иш бошлаган мамлакатимиздаги энг кенжа банк хисобланади.

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес хамда касаначиликни ривожлантиришга ихтисослашган ушбу молия муассасаси қисқа вақт мобайнида муайян ижобий ютукларга эриша бош-

Семинар иштирокчилари микромолиялаштириш сохасида "Микрокредитбанк" ва Узбекистон Савдосаноат палатаси мутахассисларининг амалий куникмаларини такомиллаштириш, хориж тажрибасига таянган холда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермер ва дехкон хужаликларини микрокредитлаш хамда лизинг хизматлари кўрсатиш, тадбиркорлик субъектларига "Бизнес режа" тузиш тартиб-қоидаларини тушунтириш каби масалаларни мухокама этдилар, ўзаро фикр алмашдилар.

Семинар якунида унинг бир қатор қатнашчиларига жойларда тадбиркорлик субъектлари учун мо-

лиялаштириш хизматларини кўрсатиш қонун-қоидалари бўйича тренинглар ўтказиш хукукини берувчи сертификат топширилди.

Миллий ўрмончилик дастурини ишлаб чикиш, бу борадаги халкаро тажрибаларни оммалаштириш, тармокнинг хукукий базасини мустахкамлаш, замонавий технологияларни қўллаш ҳамда соҳа мутахассислари малакасини ошириш билан боглик масалалар Тошкентда бўлиб ўтган халқаро семинарда атрофлича мухокама қилинди.

Миллий ўрмончилик масалаларига оағишланди

Ж Ўз мухбиримиз

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 2,5 миллион гектарга якин ўрмонзорлар бўлиб, улар хар йили ўрта хисобда 30 минг гектарга кўпаймокда. Лекин кўчат экиш жараёнида илмий технологияларга хар доим хам қатъий амал қилинмаётир. Оқибатда уларнинг бир қисми қуриб қолмоқда. Анжуманда таъкидланганидек, хозирги кунда ўрмон хўжалиги, катор вазирлик, идора ва муассасалар, хусусий тадбиркорлик субъектлари тасарруфида кўплаб дарахтзорлар мавжуд. Уларни парваришлашни илмий асосда ташкил этиш, бу борадаги саъй-харакатларни мувофиклаштириш, кучат етиштиришда янги технологияларни жорий этиш, ўрмон хўжалиги учун етук кадрлар тайёрлаш ва мавжуд ходимлар малакасини ошириш мухим ахамиятга эгадир.

Анжуманда, шунингдек, тармокни ривожлантиришга тўсик бўлаётган муаммолар хусусида мухим таклиф ва мулохазалар билдирилди.

2005 йилда Жахон Согликни саклаш ташкилоти Ассамблеяси томонидан 14 июнь халқаро донорлар куни сифатида эълон қилинган эди.

Донорлар ойлиги

Уз мухбиримиз

Узбекистон Хотин-қизлар қумитаси, Гемотология ва кон куйиш илмий-текшириш институти билан ҳамкорликда 14 июндан 14 июлга қадар мамлакатимизда кон топшириш ойлиги ўтказилди, ўрта умумтаълим муассасалари, олий ўкув юртларида ушбу тадбирнинг ахамияти тўгрисида таргибот-ташвикот ишлари олиб борилди. Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, ойлик давомида 9 мингга якин ихтиёрий донорлар қайд этилди. Улар томонидан топширилган қоннинг миқдори 9 минг 800 литрни ташкил этган. Тадбир муносабати билан бир талай телекурсатувлар, радиоэшиттиришлар эфирга узатилди, даврий нашрларда 360 дан ортик мақолалар чоп этилди, ахолининг тиббий саводхонлигини ошириш бўйича мухим чора-тадбирлар белгиланди. Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

АДОЛАТ - хамма нарсани

уз ўрнига кўя билишда

Акциядор ҳаҳми, ҳайдовчи?..

Еки нуфузли суд махкамаси нега қатьий бир қарорга келолмаяпти?

довчилар Ш. Чоршанбиев ва

Бирок вокеа шу билан

якун топмайди. Узбекистон

Республикаси Бош прокуро-

ри ўринбосари томонидан

киритилган протест асосида

Олий суднинг фукаролик

ишлари бўйича судлов ҳайъ-

ати мазкур ишни назорат

тартибида кўриб чикиб, Қа-

шқадарё вилоят суди апел-

ляция инстанциясининг

юқорида қайд этилган ажри-

мини бекор қилади ва

ишни янгидан шу инстанция

судида кўриш учун яна Қаш-

қадарё вилоят судига юбо-

риш тўгрисида ажрим чика-

гизни бир масалага қарат-

моқчимиз: кўриб турганин-

гиздек, Олий суднинг суд-

Шу ўринда эътиборин-

рад этилади.

Бундан роса бир йил муқаддам газетамизда "Акция ўрнига маломат тошими?" сарлавхали танкидий макола (2005 йил 14 июль) чоп этилган ва у "... биз имкон қадар бу муаммоли масала хусусидаги мулохазаларимизни қоғозга туширдик, холос. Адолат тарафида туриб, бу ишни қайта кўриб, тўгри фикр айтадиган, хатто автокорхонадан ноконуний олиб кетилган транспорт воситаларини хам жойига келтириб қуядиган қонун химоячилари, эхтимол, Тошкент тарафлардан топилиб қолар..." деган сатрлар билан якунланган, Сурхондарё вилоят фукаролик ишлари буйича суди апелляция инстанциясининг Термиз шахридаги "1-автокорхона" МЧЖга оид низолар юзасидан қабул қилган ажримидаги бир қатор нохолис ёндашувларга йўл қўйилганлиги мисоллар асосида холисона очиб берилганди.

В Акром БЕРДИМУРОДОВ

Якинда эса, тахририятимизга ўша мақола қахрамонларидан бири — акциядор Сафарали Холбоев ташриф буюриб, газета чикишидан сўнг бўлиб ўтган хангомалар битилган шикоят-хати билан мурожаат этди. Шикоят ва унга илова қилинган ҳужжатларни синчиклаб ўргандик. Шунда хаёлимизга беихтиёр "Одил суднинг энг хатарли душмани — олдиндан ўйлаб қўйилган нотўгри мулохазадир" деган фикр келди...

Келинг, масалага ойдинлик киритиш учун вокеа тафсилотларини яна бир карра ёдга олайлик.

...Ушанда Термиз шахридаги "1-автокорхона" АЖ инкирозга юз тутган, жамият акциялари белгиланган муддатда сотилмаганлиги боис, Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 26 августдаги "Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иктисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларини хусусийлаштиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида"ги карорига асосан, кимматли когозлар нархи боскичма-боскич туширилиб, 1 дона акция нархи 7562 сўмга туширилганидан сўнг С. Холбоев "Тошкент" республика фонд биржаси оркали 14 млн. 995 минг 446 сўмлик акцияни сотиб олиб, ўзининг "Азамат" савдо корхонаси номига расмийлаштирганди.

Унга қадар эркин сотувда бўлган 2529 дона ёки 31,9 фоиз акциялар 2000 йилда Шеробод туманидаги "258олинган бўлиб, мазкур акциялар 2003 йил 17 октябрда биржа сотувига чикарилади. Ушбу акциялардан 1751 донасини тадбиркор Азимжон Холбоев, 788 донасини эса Сафарали Холбоев сотиб оладилар. 2003 йил 19 мартда акциядорлик жамиятининг умумий йигилиши ўтказилиб, корхонани МЧЖга айлантириш тўгри-

сида қарор қабул қилинади. Қаранг-ки, ўшанда акциялар савдолари якун топгач, корхонанинг бир гурух хайдовчилари вилоят ва республикадаги нуфузли идораларга, хукук-тартибот органларига шикоят ёзиб, "258-ХМКЖ" АЖ қимматли когозлари савдоси ноконуний ўтгани, 25 фоиз давлат улуши пинхона сотилган, бундан жамоа бехабар қолган, деган айбловларни билдиришади. Савдоларни кайта ташкил этиб, акцияларни корхонада узок йиллар ишлаган ҳайдовчиларга сотишни талаб қиладилар. Автокорхона акциялари сотилиши ва сотиб олиниши тегишли идоралар мутахассислари томонидан ўргани-

автокорхона

эттиришади.

лов хайъати мазкур ишни юкорида келтирилган протестлар асосида икки марта назорат тартибида куриб чикди. Кейингисида уни шу инстанция судида кўриш учун яна Қашқадарё вилоят судига йўллади. Қизик, бу либ, уларнинг қонунийлиги тасдикланади. Хайдовчиларгал фукаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди нинг важи ўз тасдигини топишни кимнинг фойдасига Шундан кейин ҳайдовчихал этар экан? лар аста-секин ўзлари бош-

Республика Бош прокуратураси 2006 йил 27 мартқариб турган автомашиналарни уй-уйларига олиб да киритган протестда "прокета бошлашади. Шу тариқа тест фукаро Ж. Турдиевнинг мурожаати асосида кирихисобида бўлган 51 та автотранспорт тилди" деган жумла бор. воситасидан 27 тасини хай-Амалдаги қонунларимизга довчилар "ўзлаштириб" оласосан мазкур низоли масадилар. Корхона юриб турган лада фукаро Ж. Турдиевнинг 4 та транспорт билан ойига протест киритиш учун муро-10-15 млн. сўмлик иш бажажаат этиши адолат мезонриб келади. Хайдовчилар ларига тўгри келадими? Учинчидан, Олий суднинг эса, юкори идораларга судлов хайъати ишни хар езишмаларини яна давом икки сафар хам деярли бир

2006 йилнинг 22 майида чикарилган ажримда "йирик битим" хисобланган, дея 25 фоиз давлат улуши хамда Шеробод туманидаги "258-ХМКЖ" АЖ сотиб олган 31,9 фоиз эркин савдо улушини ноконуний расмийлаштирилган, деган хулосага келади. "Автокорхонанинг 25 ва 31,9 фоиз акцияларининг биржа савдосида сотилиши эмас, балки сотувга чикарилишининг ўзи ноконуний бўлганлиги, бунинг учун Р. Насриддинов ва Н. Бобоназаровлар солидар тартибда жавобгар булишлари лозимлиги хусусидаги важлар эътибордан четда қолган" деган хулосага келинади.

Хуллас, тадбиркорлар корхонани энди оёкка кўя бошлаган бир пайтда бахсли ишни фукаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг апелляция хайъати кўриб чикиб, юкорида қайд этилган биржа савдоларини бекор қилиш тўгрисида ажрим чикаради.

— Энг қизиғи, ушбу аж-ХМКЖ" АЖ томонидан сотиб римни чикарган суд раиси Х. Тоғаев билан ҳайдовчилар бир тумандан, - дейди куюниб мулкдор. — Бу ёгини ўзингиз ўйлаб кўринг.

> Мулкдорлар энди автокорхонанинг солик туловларидан 78 млн. сўмлик қарзини 38 млн. сўмга камайтиришга эришган бир пайтда яна асаббузарликлар бошланиб кетади...

Газетада шу холатлар тафсилотлари тўгрисида макола эълон килингач, Олий суд раисининг ўринбосари келтирган протест асосида 2005 йил 10 октябрда Олий Суднинг фукаролик ишлари бўйича судлов хайъати мазкур ишни назорат тартибида кўриб чикиб, Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2005 йил 16 июндаги ажримини бекор қилади. Иш янгидан шу инстанция судида куриш учун Қашқадаре вилоятига юборилади.

2005 йил 18 ноябрда Фуқаролик ишлари бўйича Қашкадарё вилоят суди апелляция инстанцияси судлов хайъати масалани кўриб чикиб, ишни мулкдорлар фойдасига хал қилади, хай-

кўриб чикади. Биринчисида судья М.Р. Хошимова раислик қилса, судья Ф.А. Абдуазимов хайъат аъзоси сифатида иштирок этади, иккинчисида Ф.А. Абдуазимов раислик қилиб, М.Р. Хошимова хайъат аъзоси сифатида қатнашади. Бу билан ФПКнинг 27-моддаси талаблари бузилаётгани динов ва Н. Бобоназаровлар яққол кўриниб турибдику! Ахир, мазкур моддага асосан, "Ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўйилмаслиги" керак. Тўртинчидан, "қонун химоячиларимиз" ўзларининг 2006 йил 22 майдаги ажримларига республика Бош прокуратурасининг протестини деярли шундоккина кучириб қуя қолишибди. Аслида эса 2005 йил 10 октябрдаги ажримда акцияларнинг сотиб, олиниши "қонуний" деб бахоланган

Бу гал М.Р. Хошимова билан Ф.М. Абдуазимовни ўз фикрларидан қайтишга

дья Ф.А. Абдуазимов ва М.Р. Хошимовалариннг иккала ажримидан айрим сатрларга эътиборингизни жалб этайлик. Жумладан, 2005 йилнинг 10 октябридаги ажримда улар ушбу холатга (жумлани айнан келтираяпмиз) "Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 29 апрелдаги қоғозлар иккиламчи бозо-

хил судьялар иштирокида

ким мажбур этди экан?

Мавриди келганда, су-

"Кимматли

рини янада ривожлантибошкаларнинг даъво талаб- риш чора-тадбирлари лари асоссиз деб топилиб, тўгрисида"ги 196 сонли қадарёда эмас, ҳайдовчиқарорининг 1-банди талабига мувофик, иккиламчи бозорда очик акциядорлик жамиятлари акцияларининг олди-сотдисига доир битишувлар факат кимматли когозларнинг бозорларида биржа хамда уюшган биржадан бозорларда ташқари амалга оширилади.

> Вилоят суди апелляция инстанцияси Ш. Чоршанбиев ва бошкаларнинг 2529 дона акцияларини олди-сотди битимини хакикий деб топиш хакидаги даъвосини каноатлантиришда юкоридаги Вазирлар Махкамасининг карорига зид равишда ФК 112-моддасининг 2-кисмини татбик килиб, хатоликка йўл кўйган", дея бахо беришади. Судьялар ўрни алмаштирилиб чикарилган иккинчи ажримда эса, Узбекистон Республикаси Олий суди фукаролик ишлари бўйича судлов хайъатининг 2005 йил 10 октябрь ажрими билан апелляция инстанциясининг мазкур ажрими бекор қилиниб, иш янгидан шу инстанция судида куриш учун юборилган.

Олий судлов хайъатининг ажримида автокорхонанинг 31,9 фоиз 2529 дона "258-ХМКЖ" ОТАЖга жойлаштирилган акцияни Н. Бобоназаровдан сотиб олиш хакидаги огзаки битимни Узбекистон Республикаси ФКнинг 112моддаси 2-кисми асосида хакикий деб топишда Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 29 апрелдаги "Кимматли қоғозлар иккиламчи бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида"ги 196 сонли қарорининг 1-банди талабларига зид хулоса қилиниб, хатоликка йўл қуйилганлиги, автокорхона базасида МЧЖ ташкил этишда қайси қонун талаби бузилгани мухокама қилинмагани ва хоказо важлар келтирилиб, ўзларининг биринчи хулосаларига ўзлари қар-

ши чикишади. Иккинчидан, 2006 йилнинг 22 майида чиқарилган ажримда "йирик битим" хисобланган, дея 25 фоиз давлат улуши хамда Шеробод туманидаги "258-ХМКЖ" АЖ сотиб олган 31,9 фоиз эркин савдо улушини ноконуний расмийлаштирилган, деган хулосага келади. "Автокорхонанинг 25 ва 31,9 фоиз акцияларининг биржа савдосида сотилиши эмас, балки сотувга чикарилишининг ўзи ноконуний бўлганлиги, бунинг учун Р. Насридсолидар тартибда жавобгар бўлишлари лозимлиги хусусидаги важлар эътибордан четда қолган" деган хулоса-

га келинади. Нахотки суд Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 26 мартдаги 97 сонли қарори асосида савдога чикарилган 25 фоиз давлат улушини "ноконуний сотувга чикарилган" дея хукм чикарса? Иккинчидан, 31,9 фоиз акция кийматини автокорхонага тулаб, сотиб олган "258-ХМКЖ" АЖ мулки саналади. Уни сотиш учун кузатув кенгашининг қарори ҳам чиқарилган. У белгиланган тартибда биржа орқали сотишга чикарилган (бу хакда ўтган йилги маколада батафсил фикр юритилгани боис, унга тухталмадик).

Мулкдор Сафарали Холбоев тахририятга шикоят хати билан келган куни анча безовта эди. Сабабини сўрасак:

- Хайронман, нега бунчаликка боришади улар, деди у. — Эрталаб уяли телефонимга Қашқадарё вилоят суди котибиман, деб бир киши қўнғироқ қилди, исми-

шарифини сўрасам, айтмади. Эмишки, бугун суд Қашларнинг талаби билан Термиз шахрида бўлиб ўтармиш. Ахир, буни бир хафта олдин чакирув когози билан огохлантиришса бўлмасдими? Иложим йўқ, Тошкентдаман, десам, катталарга айтамиз, судни сизсиз ўтказишади, деб алоқани узди, қўйди. "Катталар" деганда кимларни назарда тутди, билмайман. Кейин вазиятни аниклаш учун бошка мулкдорларга қўнгирок қилдим. Давлат мулки қумитасининг Сурхондарё вилоят бошкармасига кеча кечкурун телеграмма беришган экан. Улар хам бугун эрталаб "Судда қатнаша олмаймиз" деб жа-

воб қайтаришибди. Бунинг устига адвокатимиз 12 кундан бери касалхонада даволанаяпти. Шу туфайли суд мухокамасини у соғайганидан кейинги мудколдиришларини сўраб, судга телеграмма жўнатдим.

Кўриниб турганидек, С. Холбоев бежиз куюнмаяпти. Ушбу холатда ФПКнинг 134моддасида белгиланган "Чакирув когози ишда иштирок этувчи шахсларга... судга ўз вақтида келиш ва ишга тайёрланиш учун етарли вақтга эга бўлишларини мўлжаллаб топширилиши керак", деган қоида бузилаяпти. Судга тайёрланиш учун имконият берилмаяпти. Шунингдек, ФПКнинг 174моддасида ишда иштирок этувчи шахслардан бирортаси суд мажлисига келмаган такдирда, унга чакирув когози топширилганлиги тугрисида маълумот булмаса, иштирок этувчидан бири узрли сабабларга кўра суд мажлисига келмаган бўлса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради, деб белгилан-

рам судьяларга эслатиш ноқулай, албатта. Аммо начора, конунларимиз, адолат тамойиллари шуни талаб этади. Бизнинг ниятимиз эса битта: кўпдан чўзилиб келаётган мунозарали холат атрофлича ўрганилиб, адолатли хулосага келинса, бас. Бу ишда соха мутасаддилари — давлат мулк қумитасининг вилоят худудий бошкармаси, акциялар савдоси билан шуғулланган биржалар вакиллари мулохазаларига хам эътибор каратилса, максадга мувофик булар эди. Акс холда масала яна узоқ вақт муаллақ қолатда

Ушбу қоидаларни мухта-

туравериши хеч гап эмас. Тадбиркор С. Холбоев бизга яна бир вокеани эслатди. Автокорхона хайдовчиларидан бири Халил Жумакулов 2006 йил июнь ойида автокорхона балансида бўлган "КаМАЗ" русумли юк машинасини ноконуний эгаллаб, Россия Федерацияси худудида гиёхванд мод-

да билан қўлга тушибди. Акциядорлар автокорхонани ривожлантириш, уни қайта оёққа турғазиш, шу билан вилоят, республика иктисодиётига фойда келтириш ниятида елиб-югурсалар-у, бир гурух ўзбошимча хайдовчилар корхонага бир тийин хам туширмай, кўнгилларига келган ишни қилиб юрсалар, бундан кимга фойда-ю, кимга зиён? Нахотки, вилоят хукук-тартибот органлари ўз худудларида конунсиз айланиб юрган 27 та автоулов такдирига бефарқ бўлсалар? Иш шу тахлит давом этаверса, тасаввуримиздаги адолат тушунчасига путр етмайдими?

Биз бир йил олдинги мавзуга қайтиб, яна бир карра холис фикримизни билдирдик. Уйлаймизки, суд нихоят, масалани одил хал этади, иш нечогли мураккаб бўлмасин, унга конуний ва мантикий нукта куйилади.

Бозор иктисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш осон эмас. Аник хисобкитоб, шунингдек, бозор коньюнктураси асосида иш юритмаган хар қандай корхона молиявий инкирозга учраши аник. Афсуски, эркин иктисодиётнинг ушбу талабига барча тадбиркорларимиз хам амал қилмаяптилар. Натижада уларнинг купчилиги банкротлик холатига тушиб колишаяпти.

Банкротлик

бу, нафакат инкирозга учраш, балки жавобгарлик дегани хамдир

■ П. САЛИЕВ, Коракалпогистон Республикаси Хўжалик суди раисининг ўринбосари

Конунчилигимизда банкротлик тушунчаси пайдо бўлганига хали унча кўп бўлгани йўк. 1994 йил 5 майда Узбекистон Республикаси "Банкротлик тўгрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Утган давр мобайнида хаётий талаблардан келиб чикилиб, конунга бир неча ўзгартишлар киритилди ва 2003 йилда у янги тахрирда қабул қилинди.



Мазкур хужжатнинг 3-моддасида таъкидланганидек, "банкротлик (иқтисодий ночорлик) - хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла хажмда кондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла хажмда бажаришга қодир эмаслиги"дир. 35-модданинг 2-хатбошисида банкротликка оид хўжалик ишлари Узбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган талаблар, ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган холда хўжалик суди томонидан кўриб чикилиши таъкидланган. Жавобгарлик масаласи хам хўжалик судлари томонидан ўрганиб чикилади, конунбузарлик холатлари аниклангудек бўлса, тегишли равишда маъмурий ёки жиноий жавобгарлик чораси белгиланади.

2005 йилда бакротликка оид ишларни куриб чикиш жараёнида республика бўйича жами 55 та конунбузарлик холатлари аникланган, уларнинг 4 тасига жиноий, 51 тасига нисбатан маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Маъмурий жавобгарликка тортиш учун купинча Узбекистон Республикаси МЖТКнинг 175-моддаси 3-бўлимида назарда тутилган хукукбузарликлар, яъни мажбурий туловлар буйича дебиторлик ва кредиторлик қарзи муддатларини ўтказиб юбориш холлари сабаб бўлади. Утган йили шу каби хукукбузарликни содир этгани учун 43 нафар шахсга нисбатан маъмурий жазо чораси белгиланган.

Жиноий жавобгарлик масаласи эса, Узбекистон Республикаси ЖКнинг катор моддаларида курсатиб ўтилган. Масалан, 180-моддада "хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иктисодий жихатдан бажара олмаслиги хакида била туриб, хакикатга тўгри келмайдиган эълон бериши кредиторларга куп микдорда зарар етказилишига сабаб булса, энг кам ойлик иш хакининг 100 бараваридан 200 бараваригача микдорда жарима ёки 5 йилгача муайян хукукдан махрум килиш ёхуд 3 йилгача ахлок тузатиш ишлари ёки 3 йилгача озодликдан махрум килиш билан жазоланади", дейилган.

Бундай холатлар, афсуски, Қорақалпогистонда хам тез-тез учраб туради. Кейинги йилларда хўжалик судининг қарорига биноан, 631 та корхона банкрот, деб эълон килинди, 4 нафар масъул шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. "Кегайлиагроқурилиш", "Бўзтоо" агрокурилиш, "Нафис - нур" масъулияти чекланган жамиятлари, Тўрткўл туманидаги "8-автотеххизмат" корхоналари шулар жумласидандир.

Албатта, конунбузарлик холатини содир этган шахс айбига яраша жазо олиши аник. Шундай экан, у хох рахбар, хох оддий фукаро булсин, уз вазифасига нисбатан локайдлик килмаслиги лозим. Зеро, амалдаги қонунларга қатъий риоя этиш ҳар биримизнинг мухим инсоний бурчимиздир.

БОШҚАЛАРНИНГ хатти-харакатларини мухокама қилаётиб, ўз хатти-харакатларингни ўйла

XAЛKAPO XAËT

АКШ

Калтис ўйин

ёхуд ННТлар никоби остида хиёнатга қўл ураётганлар хусусида

Маълумки, фукаролик жамиятининг энг асосий куринишларидан бири фукароларнинг ўзини ўзи бошкаруви ва жамият ҳаётида уларнинг кенг иштирокини таъминлай оладиган нодавлат нотижорат институтлардир. Сиёсий партиялар, турли жамғармалар, ассоциация ва бошкалар жамиятнинг ушбу қатламини ташкил этиб, ўзини сиёсий, ижтимоий ва иктисодий хаётнинг барча жабҳаларида синаб кўраяптилар. Бозор иктисодиёти шароитида хар қандай давлат ННТлар фаолиятини ривожлантиришга, аввало, ижтимоийиктисодий жихатлардан келиб чиккан холда ёндашади.

Умид АРСЛОНБЕКОВ, Шерзод ЭРАЛИЕВ

Бундай ташкилотларнинг ахамияти шу билан ўлчанадики, улар тижорий тизимлар нуктаи-назаридан қараганда фойда келтирмаса-да, бирок бутун бир жамиятнинг мавжудлиги ва тарақкий этишида, лозим бўлганида эса, махсулотлар ишлаб чикариш ва хизмат кўрсатишда хам ўз ўринларига эга. Шунинг учун хам ННТлар фаолиятига дунёнинг барча мамлакатларида жиддий ахамият берилмокда.

Мамлакатимизда хам ННТлар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг хукукий макомини мустахкамлашга қаратилган қонунлар мавжуд бўлиб, уларнинг жамият хаетидаги ўрни ва мавкеини кучайтиришга алохида эътибор каратилаяпти. Бундай ёндашув, энг аввало, фукароларга конституцион жихатдан ўзаро бирлашиш, уюшиш хукукини берса, иккинчидан, турли гурух ва қатламларнинг ижтимоий манфаатлари ва кизикишларини ифодалашга хизмат килади. Учинчидан, эса, ахолининг сиёсий фаоллигини, хукукий маданиятини юксалтиришга янада кенгрок имконият яратади. Давлатимиз рахбари таъкидлаганидек, "Одамлар онгида демократик қадриятларни мустахкамлашда, уларнинг сиёсий ва фукаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда руй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чукурлаштиришда бу ташкилотларнинг ўрни ва ахамияти бекиёсдир". Маълумки, хозирги кун-

да инсон онги ва калбини забт этишга қаратилган курашлар тинмаяпти. Рангли пардаларга ўралган сиёсий қарашлар, у ёки бу мамлакатнинг, миллатнинг миллий манфаатларини ерга уриш хисобига ўз манфаатини юкори қўяётган, ерости ва ерусти бойликларини эгаллаш максадида хар қандай воситалардан фойдаланиш, афсуски, ана шу курашлар жараёнининг ёзилмаган коидаларига айланиб колди. Бундай шароитда нишонга айланаётган мамлакатлар вайронакор гояларга ўз миллий гояларини қарши қаратиши кўп жихатдан сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг уйгоклиги ва фидойилигига боглик. Бирок шу пайтгача айрим сиёсий кучлар дунёнинг турли нукталарида нодавлат нотижорат ташкилотлардан ўз манфаатлари йўлида шунчалар усталик билан фойдаланмоқдалар-ки, уларга турли молиявий ёрдамлар ваъда килиб, ипсиз боглаб олмокдалар.

Хусусан, демократия масаласида АҚШ ва Ғарбий Европа давлатлари турли ННТлар орқали демократик жараёнларни тезлаштириш, ислохотларни амалга оширишда ёрдам бериш,

фукаролар хукукий онгини ошириш шиорлари билан ўзларининг асл муддаоларини яширишга уринмоқдалар. Бир қарашда, бу интилишлар жуда оддий кўринади. Лекин сўнгги йилларда юз бераётган вокеалар "текин пишлок" факат копконда булишини очик-ойдин курсатиб қуйди. Бу ташкилотлар кенг куламда олиб борилаётган ислохотларга ёрдам бериш ўрнига ўзларининг минтакада маълум стратегик мақсадлари бор рахнамолари етказиб бераётган маблаглар эвазига тинчлик ва хавфсизликни йўққа чиқаришга уринаётганларини пайқаш қийин булмай қолди.

Демократия "химоячила-

панохидаги бундай ННТлар, айникса, Украина, Грузия, Киргизистон, Марказий ва Шаркий Европа давлатларини "ўргимчак тўридек" ўраб олгани бугун хеч кимга сир эмас. Улар аксарият холларда ўтиш даврида ахолининг огирини енгил қилиш йўлидан эмас, аксинча, хукуматларнинг ички ва ташки сиёсатига аралашиш, шу билан бир давлатни иккинчи давлатга қарши қуйиш йулидан бораётирлар. Куни-кеча Киргизистонда руй берган кутилмаган вокеа буни яккол исботлаб турибди. РИА новости ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра 11 июль куни Киргизистон Миллий хавфсизлик хизмати АҚШнинг ушбу мамлакатдаги элчихонаси ходимлари Каку Кимара ва Пол Политесларни "махаллий нодавлат ташкилотлар билан ноўрин алоқалар қилганликда" айблаб, республика худудидан чикариб юборишга қарор қилди. Маълум булишича, дипломатлар АКШ махсус хизмати ходим-

лари бўлишган. Маълумки, айни пайтда АКШнинг Киргизистондаги Ганси авиабазасининг макоми бўйича икки томонлама музокаралар жуда қийинлик билан кечмокда. Америкаликлар мазкур харбий база учун тўланадиган ижара пули микдорини купайтиришни истамаётган бир пайтда Вашингтон яна ўзининг, айтиш мумкинки, анъанавий куроли ННТлар фаолиятини ўз максадларига буйсундириш ниятларидан қайтмаяпти. Масалан, "Фуқаролар коррупцияга қарши" хукукни мухофаза килиш маркази гўё авиабаза хусусидаги музокараларнинг бориши, умуман ижара пулининг қай мақсадларга ишлатилаётганлиги тўгрисидаги маълумотларни ошкор қилиш талаби билан намойишлар ўтказишга уринмоқда. Харбий объектдан фойдаланиш тўгрисидаги давлатлараро музокаралар жараёнининг оммага ошкор этилишини талаб қилишнинг ўзи ғалати хол, албатта. Лекин ушбу ННТ намойиш ўтказиш учун танлаган

вакт ва жой, шунингдек, на-

мойишчилар кўтарган шиорлар кўпчиликда бу ерда дарҳақиқат Американинг қўли борлигига шубҳа қолдирма-

АҚШнинг Қирғизистон рахбариятига босим кўрсатиш учун айнан ННТларни танлагани балки кимгадир ғалати кўринар, бироқ сиёсатчилар билан бирга ННТлар хам мухолифатчи бўла оладиган қўшни мамлакат шароитида вашингтонлик стратегларнинг бу танлови мантиққа зид эмас.

Хам иктисодий, хам сиёсий жихатдан жуда кийин ахволда қолган мамлакатдаги вазиятни издан чикариш унчалик қийин эмас. Айниқса, бу борада тажрибаси катта бўлган АҚШдек давлат учун. Бунинг учун бир қарашда бир-бирига алокаси йўкдек туюлган ННТлар тармогини ташкил этиш ва уларга маблаг етказиб беришнинг ўзи кифоя. Маълумотларга кўра, 5 миллион киши истикомат киладиган ушбу мамлакатда 7 мингта ННТ мавжуд.

Мамлакатнинг ҳозирги оғир аҳволга тушиб қолиши- да ННТларнинг ҳам роли катта бўлганини эндигина тушуниб етаётган ҳукумат ҳаракатлари халқаро ташки- лотлар, айниқса, Ғарб давлатлари томонидан қаттиқ танқид қилинаётганини тушуниш қийин эмас.

Грузиядаги рангли инкилоб учун Жорж Сорос томонидан оз эмас, куп эмас, 1,5 млрд. доллар сарфланганини бир эсга олайлик.

Украинадаги сайловлар жараёнида эса ушбу мамлакатга 2,5 млрд. доллар киритилганини дунёнинг кай бир нашри тилга олмади? Еки бошка бир мисолни олайлик. "Der Spiegel" газетасининг ёзишича, биргина АҚШ Давлат департаменти 2002 йилдан бошлаб "зарғалдоқ" инкилобигача ўтган давр мобайнида Украина учун 65 млн. доллар сарфлаган. Бу ўз мақсадига эришиш йўлидаги қалтис ўйинларнинг биз кўраётган, илгаётган қирралари холос, албатта.

2004 йилда Украинада руй берган вокеаларни бир эсга олайлик. Жамоат арбобларидан бири А.Хохлов ўшанда Гарб нотижорат ташкилотлари ва хайрия жамғармалари тизими сиёсий хает сахнасига дадил кириб бораётганини таъкидларкан, вақти келганда улар ташкилий жихатдан хавфли куролга айланиши мумкинлиги хакида огохлантирганди. Масалан, ўша пайтда Верховная Рада (парламент) даражасида USAID, АҚШ собик конгрессменлари ассоциацияси, Олий хукук консорциуми (ARD) ва бошка бир қатор халқаро ташкилотлар томонидан молиялаштириладиган турли дастурлар доирасида Украина депутатлари ва референтларини "огмачилик" ка ундайдиган грантлар тизими йўлга қуйилганлиги ҳақида ҳам А.Хохлов бонг урганди. Бундан ташқари, мухолиф сиёсий кучлар назоратида бўлган жамоат ва нодавлат ташкилотлар, ресурс марказлари хам айнан ғарблик "мехрибон хомийлар" сармояси хисобига ахоли онгида маълум "жамоатчилик фикри"ни шакллантириш билан банд бўлдилар. Уша хавотирларнинг инобатга олинмагани эса, Украина учун қандай окибатларга олиб келганини куриб турибмиз. Биргина март ойида ўтказилган парламент сайловларини ёдга олайлик. Украина жамоатчилигининг маълум кисмида Россияга қарши кайфиятнинг авж олдирилиши мамлакатнинг парчаланиши хавфини юзага келтирди. Натижада шарқдагилар Россия



Куни-кеча Қирғизистонда рўй берган кутилмаган вокеа буни яққол исботлаб турибди. 11 июль куни Қирғизистон Миллий хавфсизлик хизмати АҚШнинг ушбу мамлакатдаги элчихонаси ходимлари Каку Кимара ва Пол Политесларни "махаллий нодавлат ташкилотлар билан ноўрин алоқалар қилганликда" айблаб, республика худудидан чикариб юборишга қарор қилди. Маълум бўлишича, дипломатлар АҚШ махсус хизмати ходимлари бўлишган.

билан якинлашиш, рус тилига давлат макомини бериш тарафдори бўлган сиёсий кучларга овоз берган бўлса, Украина ғарбидагилар НАТО ва Европа Иттифоки билан интеграциялашув сиёсатини маъкулловчилар томонида турдилар. Ана шундай ихтилофлар, мамлакатдаги таркоклик окибатида партиялар ханузгача янги хукумат ва парламентни шакллантира олмаяпти. Президент ва хукумат ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган зиддиятларни, қонунчиликка оид тортишувларни бартараф этадиган конституциявий суд аъзоларини тайинлаш масаласи хам ярим йилдан бери пайсалга солинаяпти. Хуллас, Украинада хокимиятсизлик юзага келди. Агар бугун янги хукумат тузилган такдирда хам, мамлакатни мавжуд сиёсий ва иктисодий инқироздан олиб чиқишга талай вакт кетади. Бундай холатда эса, асосий кийинчилик биринчи навбатда оддий фукаролар, ишчи-хизматчилар, тадбиркорлар зиммасига тушаяптики, бундан на хориждаги валломатлар ва на рангли инкилобни уюштирганлар азият чекаяптилар. Бундай қалтис ўйинларда хамон ННТлар қули билан мақсадга эришилаётгани эса, энг ачинарли

холат, албатта. Киргизистондаги хорижий маблаглар хисобига кун кечираётган ННТлар хакида хам ана шундай фикр билдириш мумкин. Ахолини факат кўча намойишларига, норозилик чикишларига ундаш уларнинг асосий машгулотига айланиб қолди. Оқибатда "Демократия ороли" шимол ва жанубга бўлинди. Бузгунчи ННТлар фаолиятидан кутилаётган бундай хатарни тушунган Қиргизистон ҳукумати нихоят уларнинг айримларини ёпишга мажбур бўлганини кузатувчилар таъкидламокдалар. Бундай мисолларни хохлаганча келтириш мумкин. Бу эса ана шундай харакатлар ортида турганлар ўзларига номақбул режимларни ағдариб, ўз манфаатларини рўёбга чиқарадиган, итоаткор, қўғирчоқ хокимиятларни олиб келишта уринаётганларини

кўрсатмокда. Вакт — олий хакам! Дунёнинг якин ўтмишида юз берган вокеалар Юртбошимизнинг уйгоклик хакидаги мулохазаларини яна бир карра эслашга ундайди. Ана шу уйгоклик остонасида эса, онгу шуури тоза инсонларгина ўз Ватани, миллатининг миллий гояларини химоя килишга кодирдирлар. Бунда, шубхасиз, сиёсий институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотларининг хамда миллий матбуотнинг ўрни бекиёсдир. Уйгоклик туйгусини улашиш, одамлар онгига етказиш вазифаси хам айнан ана шу ташкилотлар зиммасига алохида масъулият юклашини бирор дакика булса-да, унутмаслик лозим.

Шу ўринда яна тарихга мурожаат қилсак: бир вақтлар АҚШ Марказий разведка бошқармасининг таркибий қисми бўлган USAID рахбари Э.Натсиос: "Нодавлат ташкилотлар орқали грант ва кўмак олаётган одамлар бундай гуманитар ёрдамлар ортида АҚШ хукумати турганини билишмайди", деганида тамомила хак эди.

ла ҳақ эди. МДХнинг айрим давлатларида руй берган вокеалар Россиянинг хам кўзини очди, дейиш мумкин. Мамлакатда демократик қадриятлар қарор топгани, ошкоралик мухити хукмронлиги сабаб, кейинги пайтларда айрим "шоввоз"лар рангли тўнтаришлар хакида баралла гапира бошладилар. **Гарбнинг** Россияга окиб келаётган пуллари баъзи ННТлар вакиллари тилига қувват берди. Натижада нохукумат ташкилотлар фаолияти Россияда хам кенг мухокама этилиб, тегишли қонунлар қабул қилинди.

Бундан мақсад, нодавлат

Маркс ЮСУПОВ коллажи
ташкилотларнинг молиявий фаолияти, хусусан, уларга ажратилаётган хорижий маблаглар устидан давлат назоратини кучайтиришдан иборат ва унга мувофик партия хамда сиёсий ташкилотларни хориждан молиялаштирилишини тўхтатиш. Хукуматнинг бундай тезкор чоралари АҚШ ва Европа Иттифокини жиддий ташвишга солиб, улар

Россияни демократияни

бўгишда айблаб, жавоб чо-

ралари кўриш билан хам

Маълумотларга кўра, бу-

тахдид килдилар.

гунги кунда Россияда гуманитар ва хукукни химоя килиш дастурларини молиялаштираётган жамғармалардан ташқари, Европа Иттифокининг 1 миллионли ва АКШнинг 50 миллион долларга якин маблагига эга бўлган дастурлари "фаол" ишламокда. Россия хукумати мамлакатда фукаролар эркинлигига хеч қандай тазйик булмаслигини бот-бот таъкидлаётганига қарамай, миссионерлар ушбу давлатда ўз фаолиятларини чеклаш ниятида эмаслар. Шу нарса яққол кўзга ташланмоқдаки, "бе**гараз**" хорижий грантлар муайян давлатнинг бирорбир муаммосини хал этишга кўмаклашиш, огрикли нуктасига малхам бўлиш мақсадида эмас, балки ўша давлатдаги вазиятни синчиклаб ўрганиш, пайти келса, издан чикариш ишларига сарфланмокда. Дастлаб Грузия, кейин Украина ва Киргизистонда кечган жараёнлар, инкилобий силсилалар беқарорлик, қарамлик, мустақилликни бой беришдан бошқа хеч нарса

демократияни рад этадиган ёки уни тан олмайдиган давлатнинг ўзи йўқ. Лекин Юртбошимиз таъбири билан айтганда, барча мамлакатлар учун, уларга хос хусусият ва аломатларни хисобга олган холда, бирдек мос келадиган яккаю ягона - универсал демократия модели йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Уни экспорт қилиш ва четдан туриб зўравонлик билан жорий этишнинг ўзи айнан демократия табиатига зиддир. Лекин шунга қарамай, айрим сиёсий кучлар ўзларининг геосиёсий ва геоикманфаатлари тисодий йўлидан қайтмаётирлар. Вахоланки, жамият ва хаёт тарзи ғарб демократик ан-

эмаслигини яна бир карра

Албатта, бугун дунёда

амалда исботлади.

дозаларидан анча фарқ қиладиган мамлакатларда демократияни жорий этиш жараёнларини сунъий тезлаштиришга уриниш фалокатларга олиб келишини исботлади.

бормайлик. Узокка Ирокка ғ-арбона демократияни тикиштириш аянчли окибатларга олиб келганини жахон жамоатчилиги бежиз таъкидламаётир. Ана шундай бир пайтда террордан безиллаб қолган халкнинг диктатор Саддам Хусайн бошқарув йилларини қумсаётганини айрим ОАВлари тез-тез тилга олаяпти. Расмий маълумотларга қараганда, уруш бошланган 2003 йил мартидан шу бугунгача 120 мингдан ортик (норасмийси бундан 2-3 баробар кўп) тинч фукаро халок бўлган. Хар куни ўртача 20-30 маротаба руй бераётган террорчилик хужумларининг адоги кўринмаяпти. Террорнинг кучайишига текканга тегиб, тегмаганга кесак отаётган коалиция аскарларининг ўзлари хам сабабчи бўлиб қолмоқдалар. Абу-Грайб қамоқхонаси ва Хадитадаги кийнок ва киргинбаротни куя турайлик. Энг ёмони, улар ор-номусли, иффатли араб қизларининг номусига ҳам тегмокдалар. Жахон ахборот агентликларининг хабар беришича, коалиция аскарларининг бир гурухи 14 ёшли ироклик кизнинг аввал номусига тегиб, кейин уни ва оила аъзоларини отиб ташлашган. Афгонистонда хам шунга ўхшаш ходисалар тез-тез такрорланаётгани хусусида бонг урилаяпти. Хўш, ана шундай демок-

ратияни том маънодаги

демократия деб аташ мум-

кинмикин? Айрим йирик

давлатлар қўллаётган бундай усуллар сиесатчи ва тахлилчиларни бефарк қолдирмаяпти, албатта. Таникли америкалик сиёсатшунос Збигнев Бжезинскийнинг фикрича, дустликнинг анъанавий ришталари билан богланган мамлакатларнинг Вашингтон сиёсатини очикчасига танкид кила бошлаганликлари бугун объектив фикрлай оладиган америкаликларда хавотир уйготиши аник. Чунки сайёрамизнинг қатор минтақалари, хусусан, Шарқий Осиё, Европа, Лотин Америкаси давлатларининг Қушма Штатлар билан ҳамкорликни четлаб ўтувчи минтакавий альянслари фаолият юритмокда. АҚШдан геосиёсий узоклашув эса, дунё тартиботида доимий ва хавфли чизгиларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Узининг хаддан ташқари кучли қудрати ва бойлиги туфайли мамлакат яна маълум вакт димогдор ва тарихий тажрибаларга таянмаган сиёсатини юритиши мумкин, албатта. Бирок айни холат унинг яккаланиб қолишига, мамлакат худудида қўпорувчиликлар кўламининг кучайишига, халқаро нуфузининг барбод бўлишига олиб келиши мумкин, дейди Збигнев Бжезинский. Таёқ билан ари уясини тўзитиб қўйиб, мен ўз танлаган йўлимдан қайтмайман, дейиш давлат рахбарининг ўта нокобиллигига муносиб мисол бўла олади.

Дархакикат, Бжезинский таъкидлаганидек, империявий сиёсат, ўзидан бошкаларни менсимаслик огир окибатларга олиб келадиган тарихий хакикатдир. Шумер ва Аккад, Бобил, Миср, Юнонистон ва Рим империялари такдири, янги тарихдаги Наполеон ва Гитлер юришлари, коммунистик блок ва собик иттифокнинг кулаши бунга ёркин мисол бўла олади. Америка демократиясининг асосчиларидан бири Томас Жефферсон ўз даврида: "Хеч бир мамлакат жахон афкор оммасини чинакам хурмат қилмасдан туриб, ўз муаммоларини еча олмайди", деб бежиз айтмаганди.

Ортда қолган жаҳон кубоги

Тан олиш жоиз: "Германия-2006" бахсларида эсда қоларли холатларнинг аксарияти Италия хамда Франция термаларининг хал қилувчи ўйинга қадар бўлган учрашувларида руй берди. Бунга мисол тариқасида италияликларнинг гурух боскичида АҚШ термаси билан дуранг ўйнаши, нимчорак финал учрашувида сўнгги дақиқадагина Австралия терма жамоаси дарвозасига ғалаба тўпини кирита олганликлари, деярли худди шундай усулда Германия терма жамоасини финалдан махрум этганлари, гурухдан қийинчилик билан чиққан французларнинг эса "плейофф" бахсларида жахоннинг энг кучли термалари бўлмиш Испания ва Бразилияга хеч қандай имконият бермай, мусобақадан чиқариб юборганларини айтиб ўтиш мумкин.

Шухрат ХАМИДОВ

Бирок шундай бўлсада, мазкур икки жамоа иштирокида 9 июль куни Берлиндаги "Олимпикштадион"да ўтказилган драматик финал учрашуви юкорида айтиб ўтилган холатларнинг барчасини ортда қолдирди.

Эътиборлиси, Франция терма жамоасининг 34 яшар сардори, асл келиб чикиши жазоирлик бўлган Зайниддин Зидан профессионал фаолиятидаги сўнгги учрашувини бир вактнинг ўзида хам бош қахрамон, ҳам қайсидир маънода маглубият сабабчиси сифатида якунлади. Гап шундаки, учрашувнинг асосий вакти 1:1 хисобида якунлангач (тўпларнинг бирини 7-дакикада пенальтидан Зидан киритган бўлса, жавоб голи 19-дакикада Италия термаси химоячиси Матерацци томонидан амалга оширилди), иккинчи овертаймда французлар етакчиси ва жавоб тўпи муаллифи Матерацци ўртасида ихтилоф келиб чикади. Низонинг келиб чикиш сабаби хакида халигача бир тўхтамга келингани йўқ. Буюк Британиянинг Sun газетасида маълумот берилишича, Марко Мате-

рацци Зиданни "енгилоёк террорист аёлнинг ўгли" деб ҳақоратлаган. Баъзи ОАВ италиялик футболчи Зиданнинг аёли, айримлари эса опаси хакида номаъкул гаплар айтган булиши мумкин, деган тахминларни келтирмокда. Нима бўлганда хам, нихоятда толиққанлиги боис (ходиса ўйиннинг 110-дақиқасида бўлган), асабларини жиловлай олмаган Зайниддин рақибининг кўксига боши билан зарба беради. Табиийки, бундай ҳаракатлар машхур "юлдуз"ларга тегишли бўлса хам жазосиз қолмайди: бош ҳакам ҳамкасблари билан маслахатлашгач, айбдорни майдондан четлаштиради. Натижада майдонда тулиқ устунликка эришиб турган французлар учта етакчи футболчисидан махрум бўлгач (бундан аввалрок жарохатланган Анри ва Рибери захира ўйинчилари билан алмаштирилгандилар), ўйин тизгинини йўқотиб қуядилар. Уйиндан кейинги пенальтилар сериясида эса, омад мустахкам химоя ва асабларга эга Каннаваро бошчилигидаги Италия терма жамоаси аъзоларига кулиб бокди. Шу тариқа Италия ўз тарихида тўртинчи бора футбол

оламида тенгсиз эканини

РОППА-РОСА БИР ОЙ ДАВОМИДА НАФАКАТ АШАДДИЙ ФУТБОЛ ИШКИБОЗЛАРИ, БАЛКИ КЎПЛАБ ОДДИЙ МУХЛИСЛАРНИНГ ХАМ ДИККАТ МАРКАЗИДА ТУРГАН ЖАХОН КУБОГИ БАХСЛАРИГА ЯКУН ЯСАЛДИ. ХАР ДОИМГИДЕК, МАЗКУР МУСОБАҚА ЎТА ХАЯЖОНЛИ ДАКИКАЛАРГА БОЙ БЎЛДИ.



исбот эта олди.

Бетакрор истеъдод эгаси Зайниддин Зидан эса, фаолиятидаги сўнгги ўйинини кўзида алам ёшлари билан якунлади. Миллионлаб футбол ишкибозлари унинг ўйиндан четлатилишини кўнгилни жунбушга келтирадиган видеокадрлар орқали кўрган бўлсалар ажабмас: ўз гурури учун курашиб, майдонни тарк этишга мажбур бўлган Зидан бошини куйи эгиб,

ечиниш хонасига йўл олар экан, ўзи сезмаган холда жахон кубогининг ёнгинасидан ўтиб кетди. Кўп ўтмай, жахон кубоги чиндан хам французларнинг эркатойи "Зизу"нинг қўлига тегмаслиги аник бўлди.

Шубҳа йўқ-ки, йиллар ўтиб, мазкур ўйин, унда киритилган тўплар унутилиб кетса-да, Зиданнинг қизил карточкага «лойик» топилиб, майдондан хайдалиши ишкибозлар ёдида до-

ўринни банд этмокда-

лар. Эътиборлиси, рей-

тинг бўйича Японияга

(49-ўрин) қўшни бўлган

терма жамоамиз 2006

йилги жахон чемпиона-

имо сакланиб қолади... Шу ўринда Зайниддин Зидан қоидани бузиб, майдондан четлатилган бўлса-да, ФИФА томонидан анъанавий тарзда чемпионатнинг энг яхши футболчисига бериладиган "Олтин тўп"га сазовор бўлганини алохида таъкидлаб ўтиш лозим. "Кумуш" ва "бронза" тўплар унинг финал учрашуви бўйича рақиблари

Каннаваро ва Пирлога на-

сиб этди.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

КУИ. Асосий вактни оилавий муаммоларни хал қилишга сарфлаганингиз боис, ҳафтага мўлжаллаган ёзги таътил ёки узоқ сафарларни кейинги ойга кўчирганингиз маъкул. Буржнинг ишбилармон кишилари учун душанба омадли келиши кутилмокда.

17-23 июль

БУЗОК. Хафта давомида кўнглингиздаги одамлар билан дилдан сухбат қуриш, жисмоний мехнат ва спорт билан шугулланиш, иш жойингизда фаолроқ бўлиш учун аллақандай хохиш пайдо бўлаётганини сезасиз. Мухим учрашувларни 18-19 июль кунларига белгиланг.

эгизаклар. Келаси хафта ишларингиз юришмаслиги мумкин. Аммо бу — "хаммаси тугади", дегани эмас. Ёдингиздан чикарманг: дўсту биродарларингиз сизни хеч қачон мушкул ахволда қолдиришмайди. Аксинча, мавкеингизни кутариб, ракибларингиз олдида бообру юришингизга таъсир кўрсатадилар.

КИСКИЧБАКА. Кадим аждодлар, жумладан, ота-боболарингиз тарихига мурожаат қилиб, турмуш тарзингизни тубдан ўзгартиришга ва бу билан барчанинг диққат марказида бўлишга эришасиз. Колиб кетган лойихаларга эса, "янги ҳаёт" бахш этишингиз мумкин.

АРСЛОН. Ойнинг 20-саналарига келиб, куксингизга эркин шамол тегиб, оғир кунлар ортда қолади. Шундай экан, оилавий тадбирлар, жумладан туғилган кунингизни иш жойингиздан узоқроқда — табиат қуйнида ўтказсангиз, кунглингиз янада кўтарилади.

паризод. Хафта ўрталарида қувончли вокеа-ходисаларни бошдан кечирасиз. Жумладан, янги танишган хамкорларингиз билан биргаликда иш олиб бориб, катта ютукларга эришишингиз мум-

ТАРОЗИ. Айнан шу ҳафта хаёлан бўлса-да, яқин икки-уч ойга мўлжалланган иш режангизни ишлаб чикиб, имкониятларингиз накадар кенг эканлигига ишонч хосил қиласиз. Яқин хамкорлар билан мавжуд муносабатларни мустахкамлашни унутманг.

ЧАЁН. Хафта ўрталарида молиявий ахволингиз ва шахсий хаётингизни яхшилаб оласиз. Жумладан манфаатингизга хизмат қилувчи бир неча тадбирда иштирок этасиз. Дам олиш кунлари фойдали харидларни амалга ошириб, катта совгаларни қабул қилишга тайёр туринг.

УКОТАР. Пул топиш, қарзларни қайтариш, фойдани таксимлаш билан боглик муаммоларни хал қилиб, нихоят, тинч ва осуда хаёт кечира бошлайсиз. Даромадингизнинг асосий кисмини оилангиз учун сарфлайсиз ва мухими, бундан афсус чекмайсиз, аксинча, жуда мамнун бўласиз. тог эчкиси. Ойнинг 18-санасигача бировларнинг

ёрдами билан бўлса-да, мавжуд муаммолар ечимини топишга эришасиз. Хафта давомида ўзингиз учун қадрдон бўлган инсонларнинг хол-ахволидан хабардор бўлишга, шунингдек, спорт билан шуғулланишга ҳаракат қилинг.

КОВГА. Хамкорларингиз мажбуриятларини шартномада белгиланган муддатда бажара олмаслиги мумкин. Шунга қарамай, "қандай чора кўрсам экан", деб бошингизни огритиб ўтирманг. Кўп ўтмай, хаммаси жой-жойига тушиб кетади.

БАЛИК. Хафта хурсандчиликка, ёркин ва кизикарли вокеа-ходисаларга бой бўлади. Шахсий хаётингизда хавас қилса арзигулик ўзгаришлар руй бериши кутилмоқда. Хафта охирида якинларингиздан кичкинагина, аммо чин кунгилдан такдим этилган совгаларни қабул қилиш бахтига муяссар бўласиз.

ОБ-ХАВО

13 - 19 июль кунлари республикамизда ўзгарувчан об-хаво кузатилади. Баъзи худудларда чилла бўлишига қарамай, ҳарорат пасайиб, ёгингарчилик бўлади.

Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида ва Қорақалпоғистонда шу ҳафта охирида ҳарорат кечаси +15+17, кундузи +29+32 даражани ташкил этса, кейинги хафта кечаси +22+24, кундузи +37+39 гача кўтарилади. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида сакланиб турган нисбатан салкин хаво харорати хам бора-бора кўтарилиб, янги хафтанинг дастлабки кунларида +39+41 даражани ташкил этади.

Фаргона, Наманган ва Андижон вилоятларида дам олиш кунлари ёмгир ёгиб, хаво харорати кечаси +12+14, кундузлари +25+27 даражагача тушиб кетади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳам ҳафта охиригача салкин об-хаво кузатилади. 17-18 июль кунларидан сўнггина хаво харорати кўтарилиб, термометр кўрсаткичлари кечаси +21+23, кундузлари +36+37 даражани кўрсатади.

Пойтахтимиз Тошкентда бугун ва эртага ёгингарчилик бўлиши кутилмокда. Кечаси +17+15, кундузлари +25+27 даражани ташкил этган ҳаво ҳарорати вақт ўтиб, кечаси +21+23, кундузи +36+38 гача кутарилади.





Элнора РАСУЛОВА

Кеча Халқаро футбол уюшмалари

федерациясининг (ФИФА) расмий

"Германия-2006" чемпионатидан

хисоблаб чикилган рейтинги эълон

янги қоидаларга кўра, бундан буён

ФИФА терма жамоаларнинг ўрнини

сўнгги тўрт (аввалгидек саккиз эмас)

килинди. Ахамиятли томони шундаки,

кейинги, янги формула буйича

белгилаш жараёнида уларнинг

йилда қайд этган натижаларини

инобатга оладиган булди.

сайтида миллий терма жамоаларнинг

Жахон чемпионатида бош совринни кулга киритган ва ФИФА рейтингида жами 1550 балл тўплаб, фахрли иккинчи ўринга кўтарилиб олган Италия термаси ана шу

мусобақанинг 1/4 финалида қолиб кетган Бразилияга ета олмади. Ва, хали- бери ета олмаса хам керак. Сабаби, сўнгги тўрт йил давомида чемпион деган номни кўтариб юрган бразилияликлар айни пайтда роса 80 баллга ортда қолдириб келмокдалар. Рейтинг буйича энг яхши кўтарилишлардан бири Украина термасига тегишли бўлиб турибди. 961 балл тўплаган Олег Блохин жамоаси 30 ўрин юкорилаб, бирданига 45-ўриндан 15-ўринга "парвоз" қилишга эриш-

Бразилияга ҳали-бери ета олишмайди...

итальянларни роппа-

Руйхатнинг 3-10-погоналарини тегишли равишда Аргентина, Франция, Англия, Голландия, Испания, Португалия, Германия ва Чехия миллий жамоалари эгаллаб турибди.

Узбекистон терма жамоасига тўхталадиган бўлсак, вакилларимиз олдинги ойга нисбатан 9 погона кутарилиб, 50-

тининг Ангола (55-ўрин), Жанубий Корея (56), Тринидад ва Тобаго (64) хамда Саудия Арабистони (81) каби иштирокчиларини хам ортда қолдиришга муваффақ бўлган-

Дарвоке, Валерий Непомняший бошчилигидаги Узбекистон термаси навбатдаги расмий учрашувини жорий йилнинг 16 августида ўтказади. Тошкентдаги "Пахтакор" марказий стадионида бўлиб ўтадиган ўйинда вакилларимиз 2007 йилги Осиё чемпионати саралаш боскичи киладилар. Эслатиб ўтиш жоиз: Гонконгдан ташкари, Катар ва Бангладеш терма жамоалари билан бир гурухдан жой олган хамюртларимиз дастлабки ўйинда 1:2 хисобида маглубиятга учраган бўлсалар, кейинги учрашувда Бангладеш термасини 5:0 хисобида тор-мор этганди-

доирасида Гонконг тер-

ма жамоасини қабул

Икки турдан сўнг 6 очко тўплаган қатарликлар гурухда пешкадам бўлиб туришибди. Узбекистон ва Гонконг термалари хисобида хозирча 3 тадан очко бўлса, аутсайдер вазифасини ўтаётган бангладешликлар хисобида биронта хам очко йўк.



MULKDORGA HAMKOR

Тошкент шахар, Мовароуннахр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61: Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz: E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ Мухаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ

Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ Адхам ШАДМАНОВ Акром АЛИМОВ Махаматжон АХМЕДЖАНОВ Мухаммадилхом **ЙУЛДОШЕВ** Аъзамжон РАХМАНОВ Абдувахоб ИМОМАЛИЕВ Бахтиёр ЁКУБОВ Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ Илхом НАСРИЕВ Мансур ЗОКИРОВ Мухлиса АКРАМОВА Махмуд САЙДАЛИЕВ Равшан ОХУНОВ Рахматилло КАМОЛОВ Сирожиддин САЙЙИД Шухрат НОРГИТОВ Шухрат ОРИПОВ **Киёмиддин НАЗАРОВ Кобилжон ТОШМАТОВ** Туланбой КАРИМОВ Эркин ТОШЕВ

ТАХРИРИЯТ

Абдували СОЙБНАЗАРОВ Маркс ЮСУПОВ Зумрад АБРОРОВА Носир ТОШЕВ Ориф ЎЛМАСОВ Тохир МАЛИК Темур АБДУРАХМОНОВ Тохир МИРХОДИЕВ Улуғбек ЮСУПОВ Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА Холмумин МАМАТРАЙИМОВ Шахзод НАЗАРОВ Шухрат ОХУНЖОНОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР Нигора ЖЎРАЕВА

Замира АХМЕДОВА

БУЛИМЛАР ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57 ХАЛКАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 132-25-15

АХВОРОТ ВА ТАРГИБОТ

ИКТИСОДИЁТ ВА

ИШЛАРИ 55-70-16 МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ

55-68-50 ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАХЛИЛ

55-70-16 Навбатчилар: н. тошев,

Ш. ЭРАЛИЕВ. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси

босмахонасида чоп этилди Корхона манзили: Тошкент шахри «Буюк Турон» кўчаси, 41. Буюртма раками: Г-968 Тираж: 11803

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ИЖТИМОИЙсиёсий газетаси Узбекистон Матбуот ва

ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 раками билан руйхатдан

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73⁴-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXlasr@yahoo.com XXI_ASR@yahoo.com XXI_ASR@doda.uz ©«XXI ASR»дан олинган

маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарк килиши

НАШР КУРСАТКИЧИ: 406 БОШ МУХАРРИР











ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

